Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 28 октябрь, шанба. №132. (21.895). Сотувда эркин нархда.

ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ САРИ





СУРАТЛАРДА: 1. Президентимиз Ислом Каримов БМТ 50-сессиясида нутқ сўзлаётган пайт.

2. Нью-Йоркдаги БМТ биноси.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Илгари хабар қилинганидек, Америка Қўшма Штатларининг Нью-Йорк шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг БМТнинг 50 йиллик юбилейига бағишланган, уч кун давом этган тантанали мажлиси 25 октябрда ўз ишини якунлади. Анжуман энг кўп давлат ва ҳукумат бошлиқлари иштирок этган тадбир сифатида тарихда қолса ажаб эмас.

Гарчи БМТга асос солинган пайтда кузланган ялпи тинчлик, хавфсизлик, тараққиёт, соғлиқни сақлаш, таълим ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш каби улуғ мақсадларнинг кўпчилиги ниятлигича қолиб кетган бўлса-да, вақт бундай халқаро ташкилот зарур эканини кўрсатди. Гарчи жаҳоннинг айрим етакчи мамлакатлари оммавий ахборот воситалари БМТнинг баъзи йирик давлатлар қўлида ўйинчоққа айланиб қолаётгани, ҳатто бу халқаро ташкилотни тугатиш борасида ҳаракатлар вужудга келгани тўғрисида хабарлар тарқатаётган бўлса-да, тантанали мажлисда 150 га яқин давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этгани бугунги кунда унга муқобил йўқлигини намойиш қилди. Негаки, дунёнинг айрим минтақаларида юзага келаётган муаммолар ҳам эндиликда кенг қўламли ечимларни тақозо этмоқда. Шунинг учун бўлса керак, БМТ қарорғоҳидаги олиймақом учрашувлар чоғида кўпчилик нотиқлар ўзлари раҳбарлик қилаётган мамлакат ва ўзлари мансуб минтақа муаммолари тўғрисида гапириш баробарида, мазкур халқаро ташкилот тузилмаларини ислоҳ қилишни таклиф этишди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ҳам тантанали мажлисдаги нутқида БМТ тузилмаларини ислоҳ қилиш тўғрисидаги ўз таклифларини баён этди. Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари қаторига дунё сиёсатида етакчи мавқеларига эга бўлган Германия ва Японияни киритиш, қабул қилинаётган қарорлар ижросини таъминлаш учун Бош котиб ваколатларини кенгайтириш, жойлардаги танглигининг олдини олиш ва бартараф этиш мақсадида БМТнинг халқаро минтақавий ташкилотлар билан алоқаларини фаоллаштириш ҳамда унинг минтақавий тузилмаларини ривожлантириш каби таклифлар шулар жумласидандир.

Сир эмаски, Марказий Осиёнинг келажаги кўп жиҳатдан Афғонистонда давом этаётган биродаркушлик урушига барҳам бериш, Тожикистондаги вазиятни изга солиш каби долзарб масалаларга боғлиқ. Негаки, Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши нафақат Марказий Осиё минтақасидаги тинчлик ва барқарорлик, шунингдек, унинг иқтисодий равнақи ва қарор топаётган бозор иқтисодиёти муносабатларининг инфраструктурасини шакллантириш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки, бу минтақа аҳли энг яқин сув йўлларига фақат Афғонистон орқали чиқиши мумкин. Шунинг учун ҳам Ислом Каримов БМТ Хавфсизлик Кенгашини Афғонистонга қурол олиб киришни тақиқлашга даъват этди. Покистон Бош вазири Беназир Бухутто эса, Бирлашган Миллатлар Ташкилотини Афғонистонда тинчлик ўрнатиш йўлида фаолроқ ҳаракат қилишга ва бир ярим миллиондан ортиқ афғон қочоқлари қисматини енгиллаштиришда ёрдам беришга чақирди.

Бой табиий ва стратегик ресурслари билан машҳур минтақа бугунги кунда ташқи кучларнинг иқтисодий ва жўғрофий-сиёсий манфаатлари йўлидаги кураш майдонига айланиб қолаётгани ташвишли ҳолдир. Уни бартараф этишда халқаро ташкилотлар кўмаги зарур.

Минтақа хавфсизлигини таъминлаш ва ҳамкорликка йўл очиш борасида муайян силжишлар бўлмоқда: шу йил сентябрь ойида БМТнинг Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгаш-семинари иш бошлади. Зеро, Президент ўз нутқида таъкидлаб ўтганидек, минтақавий хавфсизликни таъминлаш орқалигина ялпи хавфсизликка эришиш мумкин. Масаланинг яна бир жиҳати, Марказий Осиё мамлакатларининг хавфсизлиги ва барқарорлиги улар ўз мустақиллигини қай даражада таъминлай олишига боғлиқдир. Бунинг учун халқаро ташкилотлар, қолаверса, ривожланган давлатларнинг нафақат моддий, балки сиёсий-маънавий мадади ҳам зарур. Бинобарин, эски империяни тиклашга уринишлар янги кескинлик ўчоқлари пайдо бўлишига ҳамда шакллана ётган интеграция жараёнлари тўхтаб қолишига сабаб бўлиши ва бундан Марказий Осиё иқтисодига сармоя киритаётган барча мамлакат ва компаниялар бирдай зарар кўриши мумкин.

Бош котиб Бутрос Бутрос Ғолий тантанали мажлис иштирокчиларига мурожаатида дунё янги асрда глобаллашиш ва аксинча, бўлиниш каби бир бирига қарама-қарши кучлар тўқнашувига, улар келтириб чиқарадиган экологиянинг ёмонлашуви, халқаро жиноятчиликнинг ўсиши (глобаллашув оқибати), мутаассиблик, изоляционизм, сепаратизм, фуқаролар урушининг авж олиши (бўлиниш оқибати) каби муаммоларга дуч келиши мумкинлигини таъкидлади. Унинг фикрича, БМТ муассасалари бундай муаммоларни ҳал этишга мослашмаган.

Ислом Каримовнинг таклифига кўра эса, ялпи хавфсизликни таъминлаш учун, аввало, минтақавий хавфсизликка эришиш зарур. Яъни, БМТ Бош котибининг мурожаатида тилга олинган глобаллашув ва бўлиниш масалаларини ечишда биринчи навбатда минтақаларнинг муаммоларини ҳал этиш йўлидан бориши керак бўлади.

Бундан ташқари, Президент қуролярог сотиш айрим давлатлар учун валюта топишнинг асосий манбаига айланиб қолаётгани, айниқса, ядро технологиясини сотиш ҳолларидан ташвиш билдирди. Ўзбекистон оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик борасида халқаро кафолатларни таъминлаш, ядро қуроли синовларини бутунлай тўхтатиш тўғрисидаги битимга эришиш тарафдори эканини маълум қилди.

Экологияни соғломлаштириш, ҳали ялпи интеграцияга эришилмай туриб ҳам, умумжаҳон миқёсида ҳал этилиши лозим бўлган муаммаолардан бирига айланмоқда. Орол денгизи муаммоси шулар сирасига киради.

Республика раҳбариятининг саъй-ҳаракатлари самараси ўлароқ, бу борада муайян силжишлар рўй бермоқда. Шу йил сентябрь ойида Нукус шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигида Оролбўйи ҳавзаси мамлакатларини барқарор ривожлантириш бўйича ўтказилган конференция бунинг далилидир. Бироқ Ислом Каримов Бош Ассамблея минбаридан туриб, жаҳон жамоатчилиги эътиборини яна бир марта умумжаҳон миқёсига чиқаётган, биосфера, ҳаёт шароитлари, миллионлаб кишиларнинг саломатлиги ва ирсиятига таъсир кўрсатаётган ушбу муаммони Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таъсири ҳамда халқаро молиявий муассасаларнинг ёрдамисиз ҳал этиш қийинлигига қаратди.

Албатта, Бош котиб таъкидлаганидек, бугунги кунда БМТ дуч келаётган молиявий танглик давлат ва ҳукумат раҳбарлари кўтарган муаммоларнинг барчасини ҳал этишга имкон бермайди. Бутрос Ғолий мазкур муаммо яқин вақт ичида ҳал этилмаса, Бош Ассамблеянинг махсус сессиясини чақиришни таклиф этди.

Ислом Каримовнинг БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари сафини кенгайтириш тўғрисидаги таклифи ечимини кутаётган долзарб масаладир. Бундай таклиф бошқа давлат ёки ҳукумат бошлиқлари нутқларида ҳам баён этилди. Масалан, Буюк Британия Бош вазири Жон Мейжор мазкур кенгаш таркибини кенгайтириш анчадан бери кун тартибида турганини таъкидлаган бўлса, Франция Президенти Жак Ширак унга Германия ва Японияни киритишни, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари раҳбарлари кенгашнинг доимий аъзолари сафида ўз вакиллари бўлиши зарурлигини айтди.

Бу борадаги таклифлардан оммавий ахборот воситалари ҳам четда турганг йўқ. Лондонда чиқадиган «Санди таймс» газетаси шарҳловчиси Петер Келнер Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзолари сонини бештадан ошириб бўлмаслигини, мабодо, улар 10 та бўлса, муаммоларни ечиш жараёни ниҳоятда чўзилиб кетишини таъкидлайди. Бироқ, у масалага сал бошқачароқ ёндашади, яъни Кенгашнинг доимий аъзолари ҳозиргидай, АҚШ, Фрация, Англия, Хитой ва Россиядан иборат бўлмаслиги, бу рўйхатни АҚШ, Европа Ҳамжамияти, Россия, Хитой ва Япония ташкил этиши керак. Доимий аъзоликка даъвогарлар орасида аҳолиси сони миллиардга яқинлашиб қолган Ҳиндистон, шунингдек, Бразилия ҳам бор.

Президентимиз айтмоқчи, икки давлатнинг бир-бири билан келишиши қийин бўлган бу дунёда БМТга аъзо 185 давлатнинг баъзан бир-бирига мутлақо зид келиб қоладиган манфаатларини мувофиқлаштириш осон эмас. Ташкилот тузиш чоғида унинг зиммасига юкланган вазифалар ҳамон долзарблигича қолмоқда. Боз устига, янги воқелик умумжаҳон миқёсида ҳал этилиши лозим бўлган янгидан-янги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ялпи интеграция сари юз бураётган бугунги дунёда кўп томонлама ҳамкорликни мувофиқлаштирадиган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Ҳамма гап унинг муассасаларини янги замон талабларига мос равишда ислоҳ эта билишдадир.

Алалхусус, бу анжуман миллатлар ўртасида тинчлик, ўзаро бир-бирини тушуниш ва тараққиётга эришиш йўлида янги бир қадам бўлди, дейиш мумкин.

***

Президент Ислом Каримов бошчилигидаги ҳукумат делегациясининг Америка сафари чоғидаги энг муҳим воқеалардан яна бири мамлакатимиз раҳбарининг Оқ уйда Америка Қўшма Штатлари вице-президенти Альберт Гор билан учрашуви бўлди.

Самимий суҳбат чоғида икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга, МДҲдаги бугунги вазият ҳамда Марказий Осиё минтақаси хавфсизлигига дахлдор масалалар муҳокама қилинди.

АҚШ маъмуриятининг МДҲ мамлакатлари билан алоқалар бўйича мувофиқлаштирувчиси У. Коллинзнинг фикрича, вице-президент Альберт Гор икки мамлакат ўртасидаги тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли алоқалар ривожланиб бораётгани ва бу алоқаларнинг истиқболи порлоқ эканини қайд этган.

Бу учрашув Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги кўп томонлама муносабатлар тарихида янги босқич бошланганидан далолат беради.

Ислом Каримовнинг Америка ишбилармон доиралари билан учрашувини мухтасар қилиб, **бевосита мулоқот — ҳамкорликни йўлга қўйиш гарови,** дея ифодалаш мумкин. Президентимиз машҳур «Чейз манхеттен банк» раҳбарлари, Американинг йирик ишбилармонларини бирлаштирган «Америкен интернешнл груп» кенгаши аъзолари билан ўтказган бевосита мулоқотлари чоғида мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар тўғрисида сўзлади. Президентимизнинг фикрича, ўзаро муносабатларни томонларнинг имкониятлари даражасига кўтариш учун фақат битта тўсиқ бор: у ҳам бўлса, ахборот тақчиллиги. Америка жамоатчилиги Марказий Осиё минтақасида рўй бераётган воқеалар тўғрисида етарли ахборотга эга бўлмаяпти, ёки кўпинча, иккиламчи манбалардан нотўғри маълумот олмоқда. Шунинг учун ҳам Президент американликлар билан ҳар бир учрашувини мазкур тақчилликни бартараф этишга, уларда Ўзбекистон тўғрисида аниқ ва тўғри тасаввур уйғотишга бағишлади, ҳар бир фикрини далиллар билан асослаб берди.

Кўринадики, чет эллик сармоядорлар учун манфаатли ҳамкорлик йўлида имтиёзлар ва кафолатлар яратишнинг ўзигина кифоя эмас, бу ҳақда уларга ахборот етказиб бериш ҳам лозим экан.

«Америкен интернешнл груп» кенгаши аъзолари билан учрашувда Жанубий Кореянинг «ДЭУ» корпорацияси раиси Ким У Жўн ҳам ҳозир бўлди. Президент уша куни уни «Плаза» меҳмонхонасидаги қароргоҳида қабул қилиб, Асакада қурилаётган Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонасини ишга туширишда ёрдам бериш масалаларини муҳокама қилган эди. Жаноб Кимнинг кенгаш аъзолари билан учрашувда иштирок этиши Ислом Каримовнинг мамлакатимизда хорижий ишбилармонлар ва сармоядорлар учун яратилган шарт-шароитлар тўғрисидаги фикрининг яна бир тасдиғи бўлди. У «ДЭУ» корпорацияси билан Ўзбекистон ҳамкорлиги америкаликларга намуна бўлиши мумкинлигини таъкидлади.

Президент америкалик бизнесменларга қарата дангал қилиб ўзаро ҳамкорлик соҳасида бўшлиқ бўлмайди, агар Ўзбекистон иқтисодига Америка сармояси келмаса, Япония ёки Жанубий Корея сармояси келади, деди.

Шундай учрашувларнинг натижаси ўлароқ, «Чейз манхеттен банк» билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ўртасида битим ҳамда Ўзбекистон ҳукумати билан «Америкен интернешнл груп» кенгаши ўртасида ўзаро бир-бирини тушуниш тўғрисида меморандум имзоланди.

Ўзбекистон билан «Америкен интернешнл груп» молия холдинги ўртасида тижорат ва молия соҳасида фавқулодда ҳоллардан суғурта қилиш борасида ҳамкорликнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, у АҚШдаги бошқа компанияларнинг ҳам Ўзбекистон бозорига кириб келиши учун йўл очиб беради, уларни ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатишга ундайди.

Шундай қилиб, Америка диёрига бўлган сафар ниҳоясига етди. У Ўзбекистоннинг етакчи мамлакатлар билан алоқаларининг келажаги порлоқ эканига ишонч уйғотади. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақияти ҳам, миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ҳам, минтақавий хавфсизлик масалаларини ҳал этиш ҳам халқаро ташкилотлар, Америка Қўшма Штатлари каби дунё сиёсати ва иқтисодида муҳим ўрин тутадиган давлатлар билан қалин муносабатлар ўрнатишга боғлиқ.

***

Президент И. Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси 26 октябрь куни АҚШдан Тошкентга қайтиб келди.

Фахриддин НИЗОМ (ЎзА).

ФАРМОН ХАЙРЛИ ИШЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

Халқимиз нафосатга ташна халқ. У санъатни қадрлайди, санъаткорни ҳис қилади, тушунади. Президентимизнинг «Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони санъат аҳлининг армонларигагина малҳам бўлиб қолмай, балки санъатсевар элимизнинг кўнглидаги орзуларга ҳам қанот бағишлади.

***

Нодир истеъдодлар халқимизнинг энг катта бойлигидир. Ўзбекистоннинг довруғини дунёга кўз-кўз қилаётган санъаткорларимиз билан ҳар қанча фахрлансак ярашади. Яқинда эълон қилинган Фармон биз орзиқиб кутган воқеа бўлди. Бунинг учун юртбошимиздан чексиз миннатдормиз. Хайрли фармонлар хайрли ишларга йўл очади, албатта. Зеро, Ўзбекистон бастакорларининг 10 - қурултойи арафасида шу йилнинг 1 ноябридан 6 ноябрига қадар давом этадиган Ўзбекистон бастакорлари асарлари кўриги ҳам кўтаринки кайфиятда ўтади, деган умиддамиз.

Рустам АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси, Ҳамза номидаги Давлат мукофоти совриндори.

***

«Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонни эрталаб нонушта пайтида «Сўнгги ахборот»дан эшитдиму, ҳар кунгидан барвақтроқ театрга шошилдим. Борсам, ҳамма актёрларимиз хурсанд, кўпчиликнинг қўлида Фармон эълон қилинган газета... Очиғи, биз бундай яхши хабарни анчадан буён кутаётган эдик.

Баъзан, умрида бирор марта ҳам «Ҳамза»га қадам ранжида қилмаган кишилар театримиздан, актёрларимиздан нолиб, норози бўлиб гапиришса, хафа бўлиб кетаман. Аслида, театримиз бисотида ёмон спектаклнинг ўзи йўқ. Актёр сифатида турли хорижий саҳналарда ижро этилаётган спектакларни диққат билан кузатаман ва ўзбек актёрларининг маҳоратига яна бир бор тан бериб фахрланаман. Негаки, ўз ролини ниҳоятда ҳиссиёт билан астойдил ўйнайдиган актёрлар минг шукурки, жамоамизда кўп.

Ажабмас, қилинажак хайрли тадбирларнинг шарофати билан санъаткорларимизнинг маҳоратидан, меҳнатидан халқимиз кўпроқ баҳра олса... Биз актёрлар ҳам гавжум томошагоҳларни, ижобий маънодаги ашаддий томошабинларни жуда согинганмиз.

Зуҳра АШУРОВА.
Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри актрисаси.

«Оқ олтин — 95»

ПАХТА-ВАТАНГА

ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1995 ЙИЛ 27 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	Бир кунда	Мавсум бошидан буён
АНДИЖОН	**0,28**	**110,04**
ХОРАЗМ	**0,15**	**103,90**
НАМАНГАН	**0,40**	**103,12**
ФАРҒОНА	**0,43**	**102,06**
Навоий	0,56	99,85
Бухоро	0,59	98,22
Тошкент	1,01	93,93
Қашқадарё	0,74	93,49
Сурхондарё	0,85	85,78
Қорақалпоғистон Республикаси	0,57	85,03
Самарқанд	0,82	83,87
Сирдарё	0,91	81,41
Жиззах	0,85	78,95
Республика бўйича	**0,63**	**93,54**
1994 йилда	**0,60**	**89,97**

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Газетанинг обуна баҳоси қуйидагича белгиланган:

Фуқаролар учун
бир йилга — 1086 сўм,
олти ойга — 543 сўм.

Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.

Корхона ва ташкилотлар учун
бир йилга—1210,80 сўм,
олти ойга — 605,40 сўм.

Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.

Тошкент шаҳридаги обуначиларга етказиб бериш харажатлари кам бўлгани туфайли алоҳида обуна баҳоси белгиланди:

Фуқаролар учун
бир йилга — 876 сўм,
олти ойга — 438 сўм.

Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.

Корхона ва ташкилотлар учун
бир йилга — 1211 сўм,
олти ойга — 610 сўм.

Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.

Бу дунёнинг ишлари

ДАЪВОГАРНИНГ ЎЗИ СУДГА КЕЛМАГАЧ...

Маълумки, Россия мудофаа вазири Павел Грачев «Московский комсомолец» газетасида босилган «Паша — «мерседес» сарлавҳали мақола муаллифи Вадим Поэглини судга берганди. Сабаб — журналист ўз мақоласида вазирни ноўрин ҳақоратлаган экан. Москва шаҳридаги Пресненск туман суди бу ишни кўриб чиқишни бошлаганда судга даъвогарнинг ўзи қатнашишни лозим топмади. Шу сабабли судлов иши бир неча марта қолдирилиб, орқага чўзилди. Ахийри судьянинг тоқати тоқ бўлиб, агар даъвогар бугал ҳам қатнашишдан бош тортса, уни мажбурий тарзда милиция ходимлари олиб келишларини ёқлаб қарор чиқарди.

Ўтган куни бўлиб ўтган суд мажлисида эса журналист Вадим Поэглининг адвокати Генри Резник ўз ҳимоясидаги айбланувчини оқлаб фикр билдирди. Аммо прокурор ҳам бўш келмади. У журналистга нисбатан бир йиллик шартли қамоқ жазосини белгилашни талаб қилиб чиқди. Суд буни маъқуллади, лекин айбланувчи амнистияга тушиб, қамоқ жазосидан қутилди.

«РУС АРОҒИ» ТОЗАМИ?

Баъзан бир-икки улфатлар тўпланиб қолишса, «Қулинг ўргилсин «рус ароғи»дан зўри йўқда» деб қолишади. Лекин бугунга келиб у ҳам айниди-қўйди. Мана, «Экстра пресс» агентлигининг маълумоти: кейинги йилларда Россиянинг ўзида ҳам ясама ароқ ишлаб чиқариш авжига чиқибди. Жорий йилда милиция ходимлари қарийб 1,5 минг яширин завод ва цехларни топишди. Қарийб 7,5 миллион шиша ясама ароқ «махфий синдикатлар»дан тортиб олинди. Ўтган йили бу кўрсаткич 7,2 миллионни ташкил этган эди.

Россия Ички ишлар вазирлигининг иқтисоддаги жиноятларга қарши кураш бўйича бош бошқармасининг тинимсиз саъй-ҳаракатларига қарамасдан мамлакатда бундай «махфий синдикатлар» сони ошиб бормоқда. Бунинг боиси — бозор иқтисодиёти шароитида кўпчилик «ишбилармон»лар шу йўсинда бойлик орттириш пайида бўлмоқдалар.

«МММ» НЕЧА КИШИНИ АЛДАДИ?

Дарвоқе, бундан бир йил илгари «МММ» фирмасининг Россия телевидениеси орқали қандай реклама олиб борганининг гувоҳи бўлганмиз. Ушбу фирма акция ва билетларини сотиб олган миллионлаб аҳоли кейинчалик фойда ўрнига чув тушиб қолганидан ҳам хабардормиз.

Хўш, «МММ» ва шунга ўхшаш «синиб» қолган молиявий компаниялар неча кишини алдаган?

Бутунроссия жамғармачилар ҳаракати кенгашининг тахминий ҳисоб-китобларига кўра, қарийб 40 миллион россиялик фуқаролар ўз жамғармаларидан айрилиб қолганлар. Уларнинг 20 триллион рубль пулини «МММчилар» «туя» қилиб юборишган. Кўпчилик ўз пулини қайтариб олишдан умидини узган. Бироқ пешона тери билан топилган пулини қайтариш ниятидагилар ҳам кам эмас. Нима бўлганда ҳам, энди улар қатиқни пуфлаб ичишлари турган гап.

(Чет эл ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

УЧ ТУМАН ЗАФАРИ

Шурчи тумани пахтакорлари давлатга 28550 тонна «оқ олтин» сотиб, йиллик режани бажардилар. Ҳар гектар ердан 33,6 центнердан ҳосил олинди.

— Илгор технология-ю, астойдил меҳнатни дастур қилганлар дорда қолмаслигини бу йилги тажриба яна бир бор кўрсатди,— дейди туман ҳокими Эшболта Шерматов.— Яна 4,5 минг тонна пахта тайёрлаб, ялпи ҳосилдорликни гектарига 38 центнерга етказиш ниятидамиз. 35 йилдан буён ишлаётган пахта товалаш заводимизда толани қайта ишлаш, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш цехларини қуришни бошлаб юборганмиз.

Куни кеча Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон ҳамда Ангор туманларида ҳам пахта тайёрлаш режалари бажарилди.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

УШАЛДИ БОБОДЕҲҚОН ЭЗГУ АРМОНИ, ЮКСАЛДИ НАВОИЙНИНГ КАТТА ХИРМОНИ!

САФАРБАРЛИК САМАРАСИ

Ҳаёт ҒАФФОРОВ,
Навоий вилояти ҳокими

Йил билан йилнинг фарқи бор. Ўтган йили вилоятимиз меҳнаткашлари пахта тайёрлаш ва харид қилиш режасини бажаролмай доғда қолишган эди. Натижада тармоқдаги даромад буромадга етмаганди. Худди шу қолоқлик сабаб жорий йил экин-тикин ишларига ўта омилкорлик билан киришдик. Аниқроғи экин экиладиган ва суғориладиган 91 минг 100 гектар майдоннинг ҳолати, ҳосилдорлигини обдон ўрганиб чиқдик. Айниқса, чигит экиладиган 44 минг гектар ерни табақалаштирилган ҳолда минерал ва маҳаллий ўғитга қондирдик. Шўрланиши кучли, ер ости сизот сувлари яқин бўлган далаларда қишки яхоб сувига алоҳида эътибор бердик. Зарафшон дарёси олди майдонларда эса қаҳратонги чилла сувини такрор-такрор амалга оширдик. Шунингдек, уруғ танлашда, ерларимиз шароитига хос ва мос эртапишар ғўза навлари топишда ҳам илғор тажрибаларга таяндик. Четдан, каттакатта харажатлар эвазига келтириб булса-да, мавжуд пахтачилик туманларимиз далаларига «Бухоро-6», «АН-Боёвут-2» чигит навларидан экдик. Мутахассислар, уруғчилик олимлари тавсиясига кўра бу навлар сувсизликка чидамли ва серҳосиллиги билан ажралиб туради. Шу боис, бу навларни экиб, ўзлаштириб олишга ҳаракат қилдик.

Бироқ, ерни обдон пишитган, ўғитга тўйдирган ёки уруғ танлаган билан мўл ҳосил бўлавермас экан. Ҳосилдорликда ғўза нави қанчалик аҳамият касб этса, ғўза тупларининг бутлиги, соғломлиги ҳам муҳим ўрин тутар экан. Биз ерларимиз шароитидан келиб чиқиб, ҳар гектар ерда ўртача 100-110 минг туп кўчат бўлишига эришдик. Ғўзаларни яганалашни ҳам шунга амал қилган ҳолда ўтказдик. Кўчатлар тўлиқлигига эришиб, экинлар парваришига киришувдикки, сув танқислиги рўй берди. Ҳатто шундай кунлар бўлдики, саратон, асад саналмиш ёз ойларида, иссиқ сув чилласида Зарафшонда 30 кубометр ҳам сув оқмай қолди. Натижада Навбаҳор туманидаги Ўртагул, Навоий туманидаги Маликчўл, Хатирчи туманидаги Учқора, Олтинсой массивларига бир томчи ҳам сув оқмай қолди. Ана шундай қурғоқчилик дамларида электр ва мотор қурилмаси ёрдамида ишлайдиган юзлаб сув насосларига таяниб иш кўрдик. Ушанда ҳам оқар сув эмас, сизот, заҳкаш сувларидан фойдаландик. Бир сўз билан айтганда, 44 минг гектар майдондаги ғўзаларнинг учдан бир қисми бир ёки икки маротаба суғорилди, ҳолос.

Ана шундай оғир дамларда заҳматкаш сувчиларимиз, шавкатли механизаторларимиз муштни бир жойга уриб, астойдил меҳнат қилишди. Сув таралмаган пайкалларда кетма-кет культивация ўтказиб, мунтазам экин қатор ораларини қўзғаб турдик ва шу аснода ерда намни узоқ ушладик. Худди шу ўринда яна бир тажрибани таъкидламоқ жоизки, ғўза парвариши давомидаги 100 кунни ўзаро мусобақалашиш шартномаси асосида ўтказдик. Нафақат бригадалар ва хўжаликлараро, балки туманлараро беллашиб, тажриба алмашиб турилди. Натижа эса кутилганидан зиёд бўлди. Вақтида парваришини, агротехникасини олган ғўзалар сентябрга қолмаёқ мўл ҳосилга эниб, оппоқ очила бошлади. Экинлар парвариши билан бир вақтнинг ўзида биз қабул пунктлари, пахта заводлари, хирмон майдончаларини сифатли таъмирлаб қўйдик. Йиғим-теримга сафарбар этилажак барча техника воситаларини яна бир бор кўздан кечирдик ва сентябрнинг биринчи ўн кунлигида оммавий теримга киришиб кетдик. Теримда суръат ва сафарбарлик бош шиоримиз бўлди. Айниқса, бу йилги пахта йиғим-теримини намунали ўтказиш борасидаги ҳукуматимиз қарори пахтакорларимиз кучига-куч қўшди. Унда қайд этилганидек, қўлда терилган пахта учун ҳам, машинада терилган хом ашё учун ҳам ҳар беш кунда бевосита тарозининг бошида халққа пул бера бошладик. Бундан ташқари илғорларни мавсум давомида моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб турдик.

Бугун фахр ва ифтихор билан айта оламанки, навқирон Навоий вилоятининг республикамизда пешқадамлардан бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режасининг бажаришида ўша юқорида айтганимдек оммавий сафарбарлик, юксак интизом, қатъий талабчанлик қўл келди. Мустақил Ўзбекистон навоийликлардан 120 минг тонна юқори навли «оқ олтин» қабул қилиб олди. Ҳосилдорлик эса гектар бошига 27,6 центнерга етди. Энг муҳими бултурги доғ, қолоқлик ювилди. Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмаганидек карвонимизга етакчи, йўлбошчи сарбонлар бош-қош бўлгани учун ҳам октябрь ойининг учинчи ўн кунлигидаёқ зафар манзилига етиб келдик. Сарбонлар, деганда мен қизилтепалик, навбаҳорлик, навоийлик пахта усталарини назарда тутаяпман. Қизилтепа тумани меҳнаткашлари вилоятимизда биринчи бўлиб, йиллик режани уддалашди. Мазкур туманда етиштирилган 28 минг тоннадан ортиқ саноат хом ашёсининг деярли 90 фоизи биринчи навга қабул қилинди. Тумандаги «Тошработ», «Варозун» жамоа хўжаликлари эса ғолиб ва байроқдордир. Тўра Рўзиев, Абдумалик Тоғаев бошқарув раислари бўлган мазкур хўжаликларда 35-38 центнерлик марра аллақачон эгалланди.

Вилоятда иккинчи бўлиб зафар манзилига етиб келган навбаҳорликлар ҳам бу йил бўш келишмади. Юксак хирмонимизда бу туман меҳнаткашларининг 29,5 минг тонналик улуши бор. Тумандаги Алишер Навоий номли, Йўлдош Охунбобоев номли, «Янгиқўрғон», «Зарафшон», «Наврўз» жамоа хўжаликлари ютуғини алоҳида қайд этмоқ жоиздир. Худди шу хўжаликлар бугун вилоятда ҳам карвонбоши. Навоий тумани заршунослари ҳиммати ҳам таҳсинга лойиқдир. Вилоят дарвозаси саналмиш бу туманда ҳам деҳқончилик йили жуда баракали келди. Атиги 35 иш кунида навоийликлар 24 минг тонна хом ашёни ҳозирлаб қўйишиб ғалаба рапортига имзо чекишди. Туман далаларида ҳамон йиғим-терим авжида. «Ҳазора», «Маданият», «Жалойир», «Нарпай», А. Навоий номли жамоа хўжаликларида қўшимча топшириқлар ҳам бажарилди. 40 минг тонналик юксак хирмон яратиш йўлида тер тўкаётган хатирчилик пахта усталари зафар манзилига яқинлашмоқда. Тумандаги «Ўзбекистон», Эшмурод Абдиев номли, Абдуҳолиқ Ҳалимов номли жамоа хўжаликларидан эса аллақачон ғалаба рапортлари олинди. Муваффақиятимизга нафақат туман ва хўжаликлар, балки Навоий педагогика, кон-металлургия институтлари ва тиббиёт, мактабгача тарбия билим юртлари талабалари, ҳиммати баланд ҳашарчилар ҳам муносиб ҳисса қўшдилар.

Ҳа, Навоийда пахта тайёрлаш йиллик режаси уддаланди. Аммо бу пахта қолмади, мавсум тугади, деган маънони билдирмайди. Ҳали республикамизда режа уддаланмаган, 4 миллион тонналик хирмон бут бўлмаган экан терим суръатини бир дақиқа ҳам бўшаштирмаймиз. Далалардан яна 10 минг тонна хом ашё йиғиштириб олиш ва ялпи ҳосилни 130 минг тоннага етказиш қатъий аҳдимиздир. Чунки ер эгасини, ҳақиқий деҳқонни топган экан, насибамизни ерда қолдириш увол демакдир.

Маълумки, ҳозирги бозор муносабатлари, иқтисодий ислоҳотлар даври фақат изланишни талаб ва ташаббускорликни тақозо этади. Шундай экан фойданинг кетидан қувмоқ, даромадга яраша буромад қилмоқ замон талабидир. Биз иқтисодиёт манбаи биргина пахта билан чегараланмасдан вилоятда ғалла, пилла, мева, узум, жун, қоракўл тери етиштириш ва давлатга сотиш режаларини ҳам ошириб бажардик. Шунингдек, гўшт ишлаб чиқаришни, сут харид қилишни 1994 йилга нисбатан 1,5 баравар оширдик.

Энг қувончлиси бу — саноат ишлаб чиқаришнинг муттасил ривожланаётганидир. Кейинги икки йил мобайнида биз хорижий ўнлаб мамлакатлар билан келишилган ҳолда кўплаб қўшма корхоналар очдик. «Агама», «Зариспарк», «Каркарал» ана шулар жумласидандир. Эндиликда Учқудуқда мармарни қайта ишлайдиган, Нуротада чорва маҳсулотлари — жун ва қоракўл терига шакл берадиган қўшма корхоналар очиш устида амалий иш олиб боряпмиз. Шунингдек, Хатирчида, Қизилтепа ва Навбаҳор туманларида ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёр маҳсулотга айлантириб берадиган кичик сут, консерва ва нон заводлари барпо этиш устида ҳам жиддий ишлаяпмиз. Айниқса, Навоий тўқимачилик комбинати, ёғ-мой экстракт корхонаси, ароқ-вино заводи қурилиши асосий диққат-эътиборда. Бу мақсадлар учун кўплаб маблағ сарфлашни кўзда тутяпмиз.

Муштарак мақсад битта. У ҳам бўлса вилоятда иқтисодий ислоҳотларни янада юксалтириш ва шу билан бир қаторда келажаги буюк давлат — Ўзбекистонни жаҳонга танитишдир.

Чаккасига барака пахтасини қадаган бу аёл мавсумда ўз дугоналарига, қолаверса бутун хўжалик меҳнаткашларига ибрат бўлди. Чунки у илғор чевар сифатида ном қозонган.

Нортошой Бобоқулова пахта терими бошлангандан бери ҳар куни хўжалик хирмонига 120—150 килограммдан пахта тўкди. Унинг мавсум давомида териб берган пахтаси 10 тоннадан ошди. У ва унга ўхшаган илғор теримчиларнинг ғайрат-шижоати билан Навбаҳор туманидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги режани ортиғи билан уддалади.

СУРАТДА: Нортошой Бобоқулова.

***

Навоий туманидаги Қодир Раҳимов номли жамоа хўжалиги пахтакорлари ҳам вилоят меҳнаткашлари зафарига муносиб ҳисса қўшишди. Улар қисқа муддатда йиллик режани ортиғи билан уддалашди. Етиштирилган дурдонанинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди. Шу боис бу йил хўжалик аъзоларининг моддий манфаатдорлиги юқори бўлади.

Пастдаги суратда: хўжалик бошқаруви раиси Одил Ражаб пешқадам бригада бошлиғи Барно Файзиев билан пахта сифатини кўздан кечиришмоқда.

Жумамурод МИРЗАЕВ олган суратлар.

САФЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Партия ва ҳаёт

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг турар жойларда бошланғич партия ташкилотлари тузиш ҳақидаги тавсия ва кўрсатмалари ўз самарасини бермоқда. Чунки халқ билан бамаслаҳат олиб борилган иш келажаги буюк давлат пойдеворининг мустаҳкам бўлишига асосий кафолатдир. Бундан тўғри хулоса чиқарган туманимиз партия кенгаши ўз ҳудудида жойлашган 44 та маҳалланинг 28 тасида ХДП бошланғич партия ташкилотини тузди. Маҳалла аҳли орасидан партиямизга аъзо бўлаётган кишиларнинг Президентимиз ва партиямиз олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватлаб, келажакка катта ишонч билан қараётганлиги қувонарлидир. Туман партия ташкилоти бозор иқтисодиётига ўтишнинг иккинчи босқичида аҳолининг кам таъминланган табақалари, нафақахўрлар, ногиронлар ва талабаларни давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилишни ўзига бош йўналиш қилиб олган. Партиямизнинг ушбу сиёсатига жавобан маҳалла фуқароларининг кўпчилиги ўз фикр-мулоҳазаларини биз билан яқиндан ўртоқлашиб, мамлакатимизда давом этаётган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар жараёнида шахсан қатнашиш учун ХДП танлаган йўлдан боришни маъқул кўришмоқда. Биргина Мирзо Улуғбек номидаги маҳалла бошланғич партия ташкилоти йил бошидан буён 40 нафар ёшни ана шу мақсад йўлида ўз сафига бирлаштирди.

Турар жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари орасида «Тарновбоши» маҳалласи фаолларининг ишлари ибратли. Маҳалла чойхонаси ҳар ойнинг 20-куни одатдагидан кўра гавжумроқ бўлади. Чунки 20 кишини бирлаштирган маҳалла партия ташкилотининг аъзолари айнан мана шу куни партия йиғилишини ўтказишга келишиб олганлар. Асосий суҳбат мавзуси республикамизда кечаётган иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар, маҳаллада қилинган ҳамда қилиниши керак бўлган иш режалари, қолаверса, етакчининг қисқагина ҳисоботидан иборат.

Абдуманноб РАҲИМОВ,
Ҳамза тумани партия кенгашининг иккинчи котиби.

***

СУРАТДА: Ҳамза тумани партия кенгашининг биринчи ва иккинчи котиблари Шавкат Файзиев, Абдуманноб Раҳимов, «Тошкент машинасозлар заводи» ишлаб чиқариш бир-лашмаси бошланғич партия ташкилоти котиби Давлатёр Саидов — шу корхона партия фаоллари билан мулоқотда.

Қулайлик

АРЗОН ВА СИФАТЛИ

«Жиззахгўшт» акционерлик хўжаликлараро бирлашмаси жамоаси бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини гўшт ва сут маҳсулотлари билан тўлароқ таъминлаш мақсадида комиссион гўшт-сут-савдо харид жамиятини ташкил этдилар. Жамият шахсий мол эгалари, фермерлар ва деҳқон хўжаликларидан чорва моллари ҳамда сут сотиб олиб, аҳолига гўшт ва стерилизацияланган сут сотади. Қисқа вақт ичида шу йўл билан сотилган бир неча ўн тонна гўштнинг ҳар килоси бозор ёки дўкондагидан 5 сўм, сутнинг ҳар литри 2 сўм арзонлиги ва юқори сифатлилиги Жиззах шаҳри аҳолисини мамнун этди.

— Биз, — дейди жамият раиси Пардабой Исмоилов, — чорва молларини бозорлардан узоқ, ташиш қийинчиликлари кўпроқ бўлган жойлардаги аҳолидан харид қилмоқдамиз. Бунинг натижасида чорва молларини арзон олишга эришсак, мол эгалари бозор ташвишлари харажатидан халос бўлаётирлар.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ҲАРБИЙ ГУРУҲ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

СКАНДИНАВИЯДАГИ уч мамлакат — Дания, Норвегия ва Швециянинг ҳарбий қўшинлари Босниядаги тинчликсеварлик фаолиятини давом эттириш ниятида. Шу мақсадда Шимолий Европа ҳарбий гуруҳи ташкил этилди. Дания ва Норвегия ҳарбий маҳкамалари раҳбарлари билан маслаҳатлашганидан сўнг Швеция мудофаа вазири Таге Петерсон шу ҳақда маълум қилди.

КУЧМАНИНГ БРАЗИЛИЯГА ТАШРИФИ

УКРАИНА Президенти Леонид Кучма Бразилияга расмий ташриф буюрди. У сафар чоғида Бразилия Президенти Фернандо Энрико Кардоза билан учрашди. Музокаралар чоғида мамлакатлар ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантиришга хизмат қиладиган дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, шунингдек, икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди.

СУРОВ НАТИЖАЛАРИ - ИЖОБИЙ

ЭСТОНИЯ аҳолиси мамлакат Президенти ва матбуотга кўпроқ ишонч билан қарор экан. Халқ ўртасида ўтказилган суров натижалари шуни кўрсатди. Қатнашчиларнинг 67 фоизи мамлакат Президенти Леннарт Мери юргизаётган сиёсатга, 55 фоизи матбуотда ёритилаётган материаллар ҳаққонийлигига нисбатан ижобий фикр билдирган.

Шу билан бирга, оғзаки суровда иштирок этганларнинг 25 фоизигина республикадаги иқтисодий аҳволни яхши деб баҳолади. Ваҳолонки, сентябрь ойида ўтказилган суровда қатнашчиларнинг 35 фоизи мамлакатдаги аҳвол хусусида яхши фикрда эди.

ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШГА БАҒИШЛАНАДИ

ЯҚИН ШАРҚ ва Шимолий Африка иқтисодий ривожланишига бағишланган мазкур минтақадаги давлатлар раҳбарларининг яқинда бўлиб ўтадиган учрашуви ўз аҳамиятига кўра, Швейцариянинг Давос шаҳрида ҳар йили ўтказиладиган жаҳон иқтисодий форуми билан тенгдир, деди АҚШ давлат котибининг иқтисодий масалалар, бизнес ва қишлоқ хўжалиги бўйича ўринбосари Жоан Сперо. Шунингдек у мазкур учрашув ушбу минтақада тинчлик ўрнатилишига ёрдам беради, дея таъкидлади.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

29 октябрь — Автотранспорт ходимлари куни

«ЙЎЛОВЧИЛАР ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРМИЗ»

—дейди «Бухоротранс» ҳиссадорлик бирлашмасининг 2533-автожамламаси бошлиғи Жумахон НАСРИДДИНОВ

Аввало «Бухоротранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳақида икки оғиз сўз. Бирлашма ташкил топганига яқинда 40 йил тўлди. Бухородаги бу энг йирик корхонанинг ҳозирги пайтда 13 та автокорхонаси, шоҳбекати, 7 та автобошбекати бор. 2533-автожамлама зиммасига вилоят аҳолисига транспорт хизмати кўрсатиш юклатилган.

Суҳбатдошимиз — автожамлама бошлиғи Жумахон Насриддинов унга раҳбарлик қилиб келаётганига икки йил бўлди.

— Жумахон Нажмиддинович, бозор иқтисодиёти билан юзма-юз турилган шу дамларда жамоангиз хизмати ҳақида гапириб берсангиз.

— Корхонамиз асосан йўловчиларга хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган. Бухоро шаҳри, шаҳар атрофи, шаҳарлараро автобус йўналишлари орқали ҳар куни минглаб йўловчиларга хизмат кўрсатяпмиз. Шу мақсадда жамоамизда 360 дан ортиқ турли русумдаги автобуслар мавжуд. Улар орқали шаҳримизда 24 та йўналиш очганмиз. Бундан ташқари, 34 йўналишда шаҳар атрофига, 18 йўналиш орқали мамлакатимизнинг турли шаҳарларига, 2 та йўналиш орқали эса ҳамдўстлик мамлакатларига йўловчиларни манзилларига етказиб турибмиз. Жамоамизнинг ҳар бир аъзоси йўловчилар тақдирига дахлдор эканликларини сира унутишмайди.

Ҳар бир чоракда 12-13 минг йўловчига хизмат кўрсатамиз. Шунинг эвазига ҳар бир автобусдан 13 минг сўмдан зиёд даромад олишга муваффақ бўлиняпти. Куриниб турибдики, паркдан фойдаланиш даражаси ёмон эмас.

— Хизмат сафари чоғида биз, журналистлар кўпинча ҳайдовчилар гурунги устидан чиқиб қоламиз: эҳтиёт қисмлари танқис, ёнилғи тақчиллиги, режа, бунинг устига айрим йўловчиларнинг хархашаси ҳақида сўз боради. Хўш, ана шу масалалар, муаммолар сизларда ўз ечимини қандай топаётир?

— Бозор иқтисодиёти ҳаммамизни ҳисобдон бўлишга ундамоқда. Зеро, ҳисобини йўқотган ҳамёнидан айрилади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, ҳайдовчиларга тўлиқ меҳнат шароити яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз. Москва, Саратов, Махачқалъадан эҳтиёт қисмлар олиб турибмиз. Бу эса автобуслар умрини узайтиришга хизмат қилади. Бундан ташқари, автосаройни янги транспорт воситалари билан тўлдириб боришга эришяпмиз. Биргина шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида қарийб йигирмата ЛАЗ-695 русумли автобус сотиб олдик.

Ишимизда узилиш бўлмаслиги учун ички имкониятлардан ҳам самарали фойдаланяпмиз. Ихтирочилик таклифлари ўрганилиб, улар амалиётда қўлланилмоқда.

— Маълумки, хизмат кўрсатиш маданияти ўша корхонанинг қиёфаси, нуфузини белгилайди. Ҳайдовчининг муомаласи, автобуснинг тоза-озодалиги бунда асосий мезон бўлади. Шундай эмасми?

— Ютуғимиз ҳам шунда-да. Ҳар бир йўналишга чиқариладиган автобусдан тортиб, унинг ҳайдовчиси ташқи қиёфаси, муомала маданияти ҳақида ҳар куни кенг кўламда иш олиб бораяпмиз. Мақсад битта: йўловчилар ранжимасин! Шу ақидага риоя қилмаган ҳайдовчи билан муроса қила олмаймиз. Тарбиявий ишдаги ҳалқалар бўшашмасин деймиз. Камол Йўлдошев, Латиф Раупов, Муҳаммад Муродов, Шамси Акромов, Ориф Маърупов, Ҳомид Ашуров, Ҳамро Намозов, Фарҳод Алиев, Мадиёр Омонов сингари меҳнатсевар, камтар, хушмуомала ҳайдовчиларимиз сафи кенгаяётганлиги, айниқса қувончлидир. Улар мамлакатимиз турли шаҳарларида қатнаётган «Бухоротранс» — 2533-автожамлама» тамғаси босилган автобусларни эпчиллик билан бошқариб, корхона шуҳратини оширишяпти.

Вилоятимиз катта, ташкилот ва корхоналари кўп. Шу боисдан ҳам 38-40 та ташкилотга ҳам шартнома асосида хизмат кўрсатяпмиз. Уларнинг ҳам кўнглини олишга, ҳақиқий ҳамкор бўлиб қолишга ҳаракат қиляпмиз. Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси қурилишида хизмат кўрсатган жамоамиз нафақат зарафшонлик олтин сараловчилар, балки амирқолик мутахассислар эътиборини қозонганликлари фикримнинг далилидир.

— Автотранспортчилар жамоаси раҳбари сифатида йўлларнинг ҳозирги аҳволи, йўловчиларнинг хатти- ҳаракатидан қониқиш ҳосил қиласизми?

— Очиғини айтсам, ҳали бундай хулосага кела олмасам керак. Сабаби, йўлларимиз, айниқса шаҳар йўллари тор, носоз. Биргина Бухоро шаҳридаги иккинчи автобус йўналишидаги йўл қаровсизлигича анчадан бўён ётибди. Айрим йўловчилар шаҳар транспортига ўгай кўз билан қарашади. Ўриндиқларни йиртишади, автобус деворларига турли сузларни ўйиб ёзишади. Ҳар йили 2000 метр дермантин матоси (ўриндиқлар учун) оламиз. Бундай ҳоллар автобусларнинг «қариши»га хизмат қилмай қолмайди. Шу ўринда йўлсозларни, айрим йўловчиларни инсофга чақиргим келади. Жамоатчиликни ҳушёр торттиришга даъват этаман. Ахир йўл ҳам, автобус ҳам мулк-ку!

Ҳа, минг киши ишлайдиган автожамлама жамоаси хизмат кўрсатишни янада яхшилаш ташвиши билан яшаяпти. Раҳбари эса корхона ишчиларини ижтимоий ҳимоялаш, ишлаб чиқаришдаги кемтик соҳаларни тўлдиришга хизмат қиладиган имкониятларни ахтаряпти. Ахир, ютуқлар ўз-ўзидан келмайди-да! Шу боис соҳа ривожига ишонса бўлади, йўловчилар ҳеч қачон йўлда қолмайдилар.

Суҳбатдош:
Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Муносабат

ЎЗИНГНИ БИЛ, ЎЗГАНИ ҲАМ

Нима бўлди-ю, қум уюмида анчадан бери аҳил ўйнаб ўтирган болалар орасидан гап қочди: иккитаси тура солиб муштлаша бошлашди. Қолганлари чеккароққа чиқиб томошага ўтишди.

— Ҳой, нега ўзингдан кичкина болани уряпсан? Сенга айтяпман, қани қўй-чи, сенлар нега қараб турибсанлар? — дея учинчи қаватдан пастга қараб «ҳай-ҳай»лади Насибахон. Унинг жон куйдиргич овози болаларни ҳушёр торттирди. Бир-иккитаси ўртага тушиб ажратишга уннади. «Қуш уясида кўрганини» дегандай, Насибахоннинг ўғиллари ҳам маҳаллада ўзларини ҳар яхши-ёмонга дахлдор сезишади.

...«Нима иши бор экан?» «Ювилмаган қошиқдай ҳамма нарсага аралашади», «Ўзингни билу ўзгани қўй» каби гап-сўзлар айланади Насибахонга ўхшаган одамлар атрофида. Ростдан ҳам шундаймикан? Ҳеч кимнинг ҳеч нарсага аралашмагани дурустмикин?

Болалигимда қишлоғимизда Шукур момо исмли бир кампир яшарди. Яка-ю ягона ҳаста қизи бор эди. Қизининг касаллигининг оти ёмон бўлгани учунми кампир маҳалла-қўйга аралашмасди. Энам ҳар гал нон ёпганимизда иккита нонни тугиб: «Бор, Шукур момонгга элтиб бер», дердилар. Куви чайса ҳам пиёлага солиб ёг беришни канда қилмасди. Бу одат ёлғиз бизнинг уйимизда бўлмаса керак. Даштдан катта-кичиклар бир бўлиб араваларда ўт олиб келардик. Момонинг уйи яқинига келганда катталар «Қани момонинг ўт пойи (улуши)ни ташланглар» дейишарди. Ҳамма ўтининг чўғига қараб, бир-икки қучоқ ўтни момонинг молқўраси ёнига ташлардик. Уша пайтда ҳеч ким момодан хабар олмаса, «нима ишим бор, қариндошим, жигарим бўлмаса» деса унингсиз ҳам кўнгли шикаста кампирнинг куни қандай ўтарди, билмадим.

«Ўзингни бил, ўзгани қўй» деган қоида бундан уч тўрт йиллар аввал амалдаги қоидаларнинг «бошлиғи» эди.

«Тўйга кетяпмиз. Илдамроғимиз — бир келинчак нима бўлди-ю сал илгарилаб кетди. Осмондан тушдими, ердан чиқдими — иккита йигит шеригимизнинг қўлидан сумкасини юлиб олиб қочди. Сал орқарокда эркакларимиз ҳам карвон бўлиб кетяпти. Биров бир нарса демади. «Ҳай-ҳай» десаларингчи, десак» «Э, улар кўпчилик, таниб қолса, орқамиздан тушади» дейишди. Бечора келинчак «тўйда тақаман деб» тилло тақинчоқларини сумкасига солиб олган экан, додлаб қолаверди».

«Йўлда юрагим ёмон бўлиб қолди. Бир дарахт панасига ўтиб суяндим. Сўнг суянишга ҳам ҳолим келмай, чўзилдим. Сал нарирокдан одамлар ўтиб-қайтиб турибди. Биров «нимага бу одам чўзилиб ётибди» демади-я? Ўзим ётиб, бир қанча вақтдан сўнг бир амаллаб туриб кетдим»...

Анча олдин эшитган бу гапларимнинг оғриғи мени ўқтин-ўқтин безовта қилади.

Қайси жойда бир-бировдан бехабарлик одатга айланса, ўша жойдан орасталик, иймон кўтарилади, ўша жойда ўғирлик учрайди, безорилик уруғ ташлайди.

Одамларнинг сон-саноғи бу ерда ҳеч қандай қийматга эга бўлмайди. Кўпчилик «ҳеч ким» каби аҳамиятсиз бир ожизликка айланади. Акси бўлса-чи? Ҳатто, битта одам ўзини кўпчилик учун жавобгар ҳис қилса-чи?

«Маҳалламизда Ойниса опа деган аёл бор. Ўзиям бир пайтлар паровоз ҳайдаган экан. Ишчидан чиққанда, ҳамма нарсанинг қадрини билади. Ўзларини маҳалланинг эгасидай ҳис қилади. Қаерда нима бўляпти — кўриб туради. Ёзда бир-иккита қўшнилар гилам ювиб офтобга ташлаб қўйган экан, номаълум кишилар кўтариб кетаётганмиш. Туш пайти. Кўпчилик дам олишга кирган. Ойниса опа «Милиция!» деб бақирган экан, ташлаб қочишибди. Бир куни маҳалладаги ўсмир болаларга Солорни тозалатиб юрган экан. Битта одам сувда оқиб келаётганмиш. Шошиб қолиб соябонини узатибди. Ҳалиги одам бир амаллаб чиқибди-ю, Ойниса опанинг янги японча соябонининг дастаси синиб кетибди. «Хола, уни қутқармасангиз ҳам бўларди, нариги маҳаллада яшайди. Доим ичиб юради, ҳозир ҳам маст бўлса керак», — дейишибди болалар. «Маст бўлсаям бола-чақаси бордир, бола-чақасига керак», — деганмиш Ойниса опа.

Бир пайтлар бола-бақра одамларнинг боғчасига ахлат тўкадиган одат чиқарди. Ойниса опа ахлатни биттабитта титтириб, қоғозларга қараб кимники эканлигини аниқлаб, тавбасига таянтирган. Шу-шу кўчага биров ахлат тўкмайди. Маҳалладаги ўйинқароқ болалар, тупроғи енгилроқ қизлар ҳам Ойниса опани кўрганда ҳушёр тортишади».

Бу гапларни қўшни маҳалламизда турадиган дугонам гапириб берганда мен шундай одамлар тақдирига ўзини дахлдор деб билган битта кишининг ҳам катта куч эканлигини ўйладим. Тасаввур қилайлиг-а, ҳаммамизда дахлдорлик, эгалик туйғуси уйғонди. Ҳаммамиз «бир замин устида, бир осмон остида яшаяпмиз-ку, демак шодлигимиз ҳам, ташвишимиз ҳам бир-бирига боғлиқ» деган тўхтамга келдик. Шу тасаввурнинг ўзи одамга қанча-қанча куч-қувват беради.

Яқинда кичик бир даврада шу мавзуда гап кетди. «Сиз шунақа дейсизу, оч қорним, тинч қулоғим яхшию баъзан». Сўнг ўзининг сўзини исботлай кетди. Эри иш (такси ҳайдайди)дан қайтаётса икки нафар йўловчи хиралик қилиб туриб олишибди. Орқага қайтиб манзилига элтиб қўяй деса йўлда биттаси зўравонлик қилиб шеригидан пул сўрабди. Эри хипчагина бўлса-да, спорт билан шуғуллангани учун кучи ўзига етарли экан, йўловчини боғлаб яқинроқдаги мелисахонага олиб келибди. Кетаман деса, навбатчи қўймасмиш. Эрталабгача ҳалиги хира одам билан бирга ўтирибди. Бир тушунадигани келиб, ҳайтовур чиқариб юборибди. Эрим бўлса «бунақалигини билганимда ўзим таъзирини бериб қўйиб қолардим» деб юрибди. Дугонамнинг гапига даврадагиларнинг бири у деди, бири бу деди...

Ҳар нима бўлганда ҳам ўша киши виждони буюрган ишни — эзгу бир ишни қилган. Яхшилик эса ўша пайтда яхшилик бўлиб қайтмаса ҳам қачондир, ким тарафдандир қайтади. Бу тарихда кўплаб бор исботланган ҳақиқат. Қолаверса, сизу бизнинг ўлчовларимиздан баланд одил Ҳакам, у доим эзгулик тарафида.

Биз спорт ўйинларини кўп кузатамиз. Ўйинчилар ўз майдонида ўзини нақадар ишончли, кучли ҳис этади. Чунки тўрт тарафдан тинимсиз мухлислар қўллаб-қувватлайди. Ҳаёт ҳам шу: моддий мадад бўлмаса ҳам тегрангда сенинг ҳаётингга хайрихоҳ одамлар борлигини — маънавий мададни ҳис этсанг ҳам яшаш осонлашади.

Бас шундай экан, «Ўзингни бил, ўзгани қўй» деган кўча энди бизга, айниқса, болаларимизга тўғри келмайди. Катта мақсад катта бирликни, бир-бирига тўла боғлиқликни талаб этади. Чинакам мустақиллик — сиёсий, иқтисодий том маънодаги мустақиллик ана шундай улуғ ғоя, улуғ мақсад.

...Одатдагидек кўчага чиқамиз. Атрофга муҳаббат билан сергак қараймиз. Осудаликми, бизнинг «ҳа»миз керак бўлмаяптими? Керак бўлса, ўзимиз, сўзимизни аямасак... Биз шунга ҳам ярамасак, кимиз ўзи ахир?

Қутлибека РАҲИМБОЕВА.

"ЎЗБЕКИСТОН — АМЕРИКА"
"АЛ-ФАРОСАТ"
қўшма корхонаси

арзонлаштирилган нархда нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сизга қуйидагиларни

таклиф этади

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси — 41.
Мўлжал: Алишер Навоий театри қаршисида.
Маълумотлар учун телефонлар: 36-55-18, 36-21-46.
Тел/факс: (3712) 36-73-44, 33-91-92.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТОШКЕНТ ШАҲАР
МИРЗО-УЛУҒБЕК ТУМАНИ
"ПРОКТОСЕРВИС"
ХУСУСИЙ ФИРМАСИ

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ГОРОД ТАШКЕНТ
МИРЗО-УЛУГБЕКСКИЙ РАЙОН
ЧАСТНАЯ ФИРМА
"ПРОКТОСЕРВИС"

PS

МУАММОЛАРИНГИЗ ЎТМИШДА ҚОЛАДИ!

"ПРОКТОСЕРВИС"-

ФАҚАТ НУФУЗЛИ МИЖОЗЛАР УЧУН!

"Проктосервис" хусусий шифохонаси Ўзбекистон клиникалари орасида биринчилардан бўлиб, замонавий хорижий тиббиёт жиҳозларини, дори-дармонларини қўллаб тўғри ичак касалликларини даволашда малакали тиббий ёрдам кўрсатади.

Клиникада сиз бавосил, ўткир парапроктит, тўғри ичак ёриғи, ичак ўсимталари, қуймич оқмаси каби касалликларни даволатишингиз, шунингдек, моҳир жарроҳларимиз томонидан болаларингизни суннат қилдиришингиз ҳам мумкин.

ТАЖРИБАЛИ МУТАХАССИСЛАР ВА ЗАМОНАВИЙ СЕРВИС СИЗЛАРНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА.
ДАВОЛАШНИ ОВОЗА ҚИЛМАСЛИККА КАФОЛАТ БЕРИЛАДИ!
Тўлов усули — турлича.

Клиника Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида 1995 йилда рўйхатдан ўтган
Бизнинг манзилимиз Тошкент - 700142,
"Буюк ипак йўли" кўчаси, 428-уй
Телефонларимиз 64-13-65, 64-13-00 Факс 64-94-20

ТАШКИЛОТ

Тошкент шаҳридаги омбордан
ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ:

- 0,8 кВтли минутига 916 марта ва 1,1 кВтли минутига 916 марта айланадиган электродвигателлар;
- 0,1 кВтдан 55 кВтгача бўлган электродвигателлар;
- ОКСТ 67114 гидравлик пресс;
- қуюлтирилган ва пастерланган сут, сузма, қатиқ, томат пастаси, қиёмларни тайёрлашга мўлжалланган кўп ихтисосли қурилмалар;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ювиш ва саралаш бўйича Д-КЭЧ машиналари;
- 0,25 куб. мли бетон қориштиргичлар;
- шлакоблок машиналари;
- пайвандлаш трансформаторлари;
- кабелни пайвандлаш ва улаш қурилмаси;
- электротехник алюмин шиналари ва уголоклар;
- телефон кабели;
- абразив доиралари

ХАРИД ЭТАДИ:

- Иш кийим-кечаги
- Калава
- Казеин

АЛОҚА ТЕЛЕФОНЛАРИ: 45-57-67; 45-75-58; 45-75-23.

ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Қирғизистон Республикаси Давлат мулкчилик фонди томонидан саноат корхоналарини (ИСА) сотиш бўйича биринчи халқаро ким ошди савдоси

Корхоналар акцияларини сотиш бўйича халқаро ким ошди савдоси шартлари

Ким ошди савдосида қатнашиш учун маҳаллий, минтақавий ва халқаро инвесторлар таклиф этиладилар.

Берилган ваколатларга мувофиқ, Давлат мулкчилик фонди (ДМФ) кўрсатилган корхоналарнинг акцияларини сотиш бўйича халқаро ким ошди савдоси орқали қуйидаги тартибда савдога қўяди:

1. Акциялар 1995 йил 8 ноябрда ўтказиладиган очиқ ким ошди савдоси бу ерда кўрсатилган бошланғич баҳода лотлар бўйича қўйилади. Савдо давомида нарх ким ошди савдоси бошланғич баҳосининг чорак фоизигача тушириши мумкин.
2. Очиқ ким ошди савдосидан сўнг эртасига, 1995 йил 9 ноябрда, сотилмай қолган акцияларни сотиш бўйича епиқ ким ошди савдоси ўтказилади. Қатнашчи ихтиёрига кўра, қайси баҳода қанча акцияни сотиб олишини айтиши мумкин. Акциялар энг юқори баҳони таклиф этган кишига сотилади.
3. Манфаатдор томонлар корхоналар ихтисослиги тўғрисидаги маълумотни ИСА консультантлари гуруҳидан бепул, почта орқали шахсан олишлари мумкин. ДМФ ҳам, ИСА консультантлари ҳам берилган ахборот аниқлиги ва тўлиқлиги учун жавобгар эмас; ИСА корхоналарини бориб кўришни истаган потенциал қатнашчилар учун корхонага ташриф уюштириш ташкиллаштирилади.
4. Кафолатли бадал 1995 йил 7 ноябрь соат 14.00 гача ҳужжат билан тасдиқланиши лозим. Тафсилотларни аниқлаштириш учун ИСА консультантлари гуруҳига мурожаат этинг.
5. Голиб эълон қилингандан сўнг у ДМФ билан шартномаларни имзолаши ва 15 банк кунида тўловни ўтказиши лозим.

Қирғизистон Республикаси Давлат Мулкчилик қўмитаси фонди раиси А. МУРАЛИЕВ
Раисининг биринчи ўринбосари К. ЎРОЗБОЕВ

Акцияларни сотиш бўйича халқаро ким ошди савдоси консультантлари гуруҳи (ИСА): 770040, Қирғизистон Республикаси Бишкек ш, Фрунзе кўчаси, 475, 2-хонадон. Телефон: 7(3312) 22-84-16. Тел/факс: автожавоб берувчи, 7(3312) 62-08-85. Электрон почта: isa@isa.bishkek.su
ҳусусийлаштириш

ТОҒ САНОАТИ	МЕТАЛЛУРГИЯ
"АкТюз" ДАЖ ("Қирғизистон кон металлургия комбинати" — Орловканинг илгариги қисми) Очиқ аукцион лотлари	"Қирғизистон кимё-металлургия заводи" ДАЖ ("Қирғизистон кон-металлургия комбинати — Орловканинг илгариги қисми) Очиқ аукцион лотлари
акционерлик сармояси % / бошланғич баҳоси	акционерлик сармояси % / бошланғич баҳоси
51,00 % — $ 288000	51,00% — $ 2588000
9,99 % — $ 53000	10,00% — $ 467000
8,51 % — $ 45000	8.50% — $ 397000
ОЙНА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ	**ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ**
"Айнек" ДАЖ (илгариги "Токмак ойна заводи") Очиқ аукцион лотлари	"Қирғизистон қамволмовут комбинати" ДАЖ Очиқ аукцион лотлари
акционерлик сармояси % / бошланғич баҳоси	акционерлик сармояси % / бошланғич баҳоси
51,00 % — $ 2298000	27, 20 % — $ 51000
10,00 % — $ 451000	
8,89 % — $ 401000	
ЖУННИ ҚАЙТА ИШЛАШ	**ГРАНИТ ВА МАРМАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ**
"Оқ-була" ДАЖ (илгариги "Осиё" жунни бирламчи қайта ишлаш Токмак фабрикаси) Очиқ аукцион лотлари	"Қирғиз Тоо Таш" ДАЖ (илгариги "Токмак тошини қайта ишлаш заводи") Очиқ аукцион лотлари
акционерлик сармояси % / бошланғич баҳоси	акционерлик сармояси % / бошланғич баҳоси
51,00 % — $ 336000	51,00 % — $ 287000
	10,00 % — $ 56000
	8,50 % — $ 48000
ҚУЙ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ	**ГЎШТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ**
"Қорасув ёг экстракция заводи" ДАЖ Очиқ аукцион лотлари	"Токчулук" ДАЖ (илгариги "Балиқчи гўшт комбинати") Очиқ аукцион лотлари
акционерлик сармояси % / бошланғич баҳоси	акционерлик сармояси % / бошланғич баҳоси
51,00 % — $ 372000	51,00 % — $ 24000
10,00 % — $ 73000	10,00 % — $ 5000
9,03 % — $ 66000	14,54 % — $ 7000
СПИРТЛИ ИЧИМЛИКЛАР	**КИЙИМ-КЕЧАК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ**
"Бишкек ликер-ароқ заводи" ДАЖ Очиқ аукцион лотлари	"Буғу-Эна" ДАЖ (илгариги "Корасўғ тикувчилик фабрикаси") Очиқ аукцион лотлари
акционерлик сармояси % / бошланғич баҳоси	акционерлик сармояси % / бошланғич баҳоси
20,00 % — $ 220000	51,00 % — $ 183000
	10,00 % — $ 36000
	9,24 % — $ 33000
ТЕРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ	**ЛАК-БЎЁҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ**
"Бишкек тери хом ашеси заводи" ДАЖ Очиқ аукцион лотлари	"Бишкек кимё заводи" ДАЖ Очиқ аукцион лотлари
акционерлик сармояси % / бошланғич баҳоси	акционерлик сармояси % / бошланғич баҳоси
51,00 % — $ 78000	51,00 % — $ 143000
10,00 % — $ 15000	10,00 % — $ 28000
7,95 % — $ 12000	14,64 % — $ 27000
ЛИНОЛЕУМ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ	
(илгариги "Кемин линолеум заводи") Очиқ аукцион лотлари	ЁПИЛИШ КУНИ — 1995 ЙИЛ 7 НОЯБРЬ
акционерлик сармояси % / бошланғич баҳоси	
51,00 % — $ 636000	
10,00 % — $ 125000	
9,16 % — $ 114000	

ТАШКИЛОТ

Тошкентдаги омбордан
ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ:

Россияда тайёрланган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун 30 кг. қоп (сетка).

Фанер (155х155 см. ҳажмда).

Тахта (50 мм.).

Ҳақ тўлаш пул ўтказиш йўли билан ёки қишлоқ хўжалик маҳсулотларига айирбошлаш мумкин.

Мурожаат учун телефон: (3712). 56-35-26, 10 дан 16 гача. Шанба ва якшанбадан ташқари.

ТАШКИЛОТ

Флягалардаги Ярославль МЛ-12 автомобиль эмалини, Тошкент лакбўёқ заводида ишлаб чиқарилган турли бўёқларни, САЕ-85в автомобиль ёғини

СОТАДИ

шунингдек, бўёқ ва эмалларни 0,22—0,25 мм. ҳажмидаги ЭЖК, ЭЖР тунукаларига ҳамда «КамАЗ» 54212, «РАФ» русумидаги автомобилларига алмаштиради.

Телефон: 41-44-20.

АҲОЛИ ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ **ДИҚҚАТИГА!**

ЎЗБЕКИСТОН ГАЗЛАШТИРИШ ЛОЙИҲА ҚИДИРУВ ИНСТИТУТИ—"ЎЗГАЗЛОЙИҲА"

қуйидаги соҳаларда Сизга ЎЗ ХИЗМАТИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

— аҳоли турар жойларини, маиший корхона ва хонадонларни газлаштириш бўйича лойиҳа қидирув ишлари;
— газ тўлдириш ва қуйиш шаҳобчалари ва турар-жой ҳамда маиший корхона биноларини лойиҳалаш;
— ер ости металл қувурларини электр кимёвий ҳимоя қилиш воситаларини лойиҳалаш ва ишга туширишда;
— магистрал газ қувурлари ва газ тарқатиш шаҳобчаларини лойиҳалаш;
— газ ёнилғиси билан ишлайдиган қозонхоналарни шартли ёқилғи (кўмир, мазут)да ишлаши учун ёки янги қозонхоналарни хохлаган турдаги ёнилғи билан ишлай оладиган қилиб лойиҳалаш.

Бу ишлар тез ва юқори сифатли бажарилишига кафолат берилади.

Биз тайёрлаган иншоот лойиҳаларининг қурилишига ва кейинчалик улардан фойдаланишда муаммолар бўлмайди.

Мурожаат учун манзиллар:

Бош институт Тошкент шаҳри, Беруний-83. Тел: 42-98-68, 42-44-54.

Вилоятлардаги ишлаб чиқариш бўлимлари:

Қорақалпоғистон Республикаси	Нукус шаҳри, Тўрткўл кўчаси	2-67-19
Фарғона вилояти	Қўқон шаҳри, Бухорий кўчаси-37.	2-27-60.
Самарқанд вилояти	Самарқанд шаҳри, Миршаропов кўчаси-15.	6-26-09
Андижон вилояти	Андижон шаҳри, Бобур шоҳ кўчаси-1а.	4-29-40.
Бухоро вилояти	Бухоро шаҳри, Баҳоуддин Нақшбандий кўчаси-158.	5-80-89.
Қашқадарё вилояти	Қарши шаҳри, Бешкант кўчаси-70.	3-77-55.
Наманган вилояти	Наманган шаҳри, Гагарин кўчаси-39.	6-84-36.
Сирдарё вилояти	Гулистон шаҳри, Туркистон кўчаси-43.	2-35-91.
Сурхондарё вилояти	Термиз шаҳри, Ҳаким Ат Термизий шоҳ кўчаси-7.	4-20-20.
Хоразм вилояти	Урганч шаҳри, Наримонов кўчаси-62.	6-67-64.

Р телефонлар

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"Ўзхимфарм"

ишлаб чиқариш бирлашмаси қуйидаги юқори самарали ва арзон дориларни **тавсия этади.**

АЛЛАПИНИН — пароксизмал аритмияни даволашга мўлжалланган восита.

МЕДАМИН — антигельминт дориси, ичак нематодига қарши энг яхши самара беради.

ДИМЕДРОЛ — аллергияли хасталикларни, эшак еми, қичима дерматозни даволашда яхши самара беради.

"АНТИ-БИТ" — педикулез хасталигини даволашда, битни йўқотишда қўлланилади.

КАЛЕНДУЛА НАСТОЙКАСИ — юқори нафас олиш йўллари шамоллаш хасталикларини, ангинани, яра-чақаларни даволашда қўлланилади.

ҚЎКРАК СУЮК ДОРИСИ — балғам ташлаш учун яхши восита ҳисобланади.

ФИТИН — қоннинг янгиланиб туришига кўмаклашади, асаб тизими фаолиятини яхшилайди, шунингдек, гипотония, жазава хасталиклари ва жинсий ожизликни даволашда қўлланилади.

АНАБАЗИН — кашандалик хуморини пасайтиради.

РУТИН — гипо ва авитоминоз, диатез, бот, гипертснияни даволашда яхши самара беради.

ТЭФЭСТРОЛ — гинекология ва акушерлик амалиётида қўлланилади.

ДЕЗОКСИПЕГАНИН ГИДРОХЛОРИД — мияда қон айланиши бузилганда ва миостеанияни даволаш учун зарур.

ҚИЗИЛМИЯ ИЛДИЗИ ШАРБАТИ — балғам ташлаш учун яхши восита ҳисобланади.

НАЪМАТАК МЕВАЛАРИ ШАРБАТИ — авитаминоз олдини олишда яхши самара беради.

Бу дориларни ва боғлаш ашёларини "Ўзхимфарм" ишлаб чиқариш бирлашмаси фирма дорихоналаридан **сотиб олишингиз мумкин.**

ТЕЛЕФОНЛАР: 56-60-59, 56-71-68, 54-69-78.

Саломатлик сандиғи

ЖАВДАР НОНИ ФОЙДАЛИМИ?

Ҳа, фойдали — тиббиёт мутахассисининг жавоби шундай

Инсоннинг кундалик истеъмолида турли нон маҳсулотлари танаввул этилади. Улар асосан икки гуруҳга бўлинади: буғдой унидан тайёрланган нон турлари (оқ нонлар турлари) ва жавдар уни нон маҳсулотлари (қора нон). Қайси хил нон бўлмасин, у киши озиқ-овқатининг асосий ва зарур қисмларидан бири ҳисобланади. Зеро, нон маҳсулотлари кимёвий таркиби ва тўйимлиги билан бошқа озуқа маҳсулотларидан сезиларли даражада фарқ қилади.

Маълумки, нон дўконларининг пештахталарида, нон бозорларида кўпроқ буғдой нонининг ҳар хил турларига кўзимиз тушади. Қора нон эса кам учрайди. Ҳақиқатан ҳам республикамизда жавдар нон нисбатан кам миқдорда ишлаб чиқарилади. У дастурхонимизда ахён-ахёнда учрайди. Аҳоли ўртасида бу нонни танаввул этиш одат тусига кирган эмас. Ваҳолонки, жавдар нон ўзининг кимёвий таркиби, ўзига хос тўйимлилиги, тиббиёт нуқтаи назаридан инсон ҳаётида нонинг бошқа турларидан, чунончи буғдой унидан сезиларли фарқ қилади.

Хўш, жавдар нонининг саломатликка фойдаси қандай? Унинг таркибида (буғдой унидан тайёрланган нонга нисбатан) оқсил, карбон сувлари миқдори кам. Мойнинг миқдори деярли бир хил. Аммо жавдар нонида айрим фойдали маъдан тузлар ва витаминларнинг, чунончи, кальций, магний ва темир моддаси, В гуруҳига кирувчи витаминлар сероб. Жавдар нонида қанд ва крахмал миқдори ҳам пастроқ даражада. Лекин унинг таркибида овқат толалари деб номланган клетчатка ва гемицеллюлоза моддалари кўп. Бу моддалар ичак ҳаракатини кучайтириб, кун бўйи ейилган овқатнинг осонроқ парчаланиши ва сўрилиши учун имконият туғдиради. Бундан ташқари овқат толалари ичакдаги микроблар ҳолатини мувозанатлаштиришда ҳам иштирок этади. Лекин жавдар нонининг ўзи пастроқ даражада ҳазм бўлади. Яъни ошқозон-ичакда парчалангандан сўнг унинг таркибий қисмлари қонга камроқ миқдорда шимилади. Шунга кўра, жавдар нонининг қуввати буғдой нонига нисбатан пастроқ.

Буларга асосланиб, тиббиёт фани жавдар унидан тайёрланган нонни инсон овқатида истеъмол қилинишини тавсия этади. Бу масалада ҳамма вақт тарғибот ишларини олиб бормоқда. Чунончи, катта ёшдаги киши, жумладан жисмоний иш билан шуғулланувчилар учун ейиладиган нонинг муўтадил миқдори 400-500 граммни ташкил этса, шундан эллик фоизга яқинини жавдар нони ташкил этмоғи лозим.

Шуни таъкидлаш жоизки, ёзнинг жазирама иссиқ кунларида овқатни ҳазм қилиш учун керак бўладиган махсус ферментларнинг миқдори камайган вақти, овқат билан жавдар нонини нисбатан камроқ истеъмол этиш тавсия этилади. Уни режали истеъмол этишимиз тиббиёт нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқдир.

Н.БОБОХЎЖАЕВ,
Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти бўлим мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

«ҚОП ҚУЧОҚЛАГАН АЁЛЛАР»

(9 сентябрь, 1995 йил).

АЁЛЛАР БОЛА ҚУЧОҚЛАСИНЛАР

Мен аёлларимизнинг қоп кўтариб, шаҳарма шаҳар юришларига мутлақо қаршиман. Бу жараён уларга ҳам жисмоний, ҳам маънавий, ҳам маънавий жиҳатдан зиён-заҳмат етказади. Бир моддий томонни ўйлаб шунча жиҳатни гаровга қўйиш ақлга тўғри келмайдиган иш. Майли, керак бўлса, хотинларимиз дўппи тикиб сотсинлар, чеварчилик қилсинлар. Ахир бундай касб эгалари ҳам мўмайгина даромад топаяптилар-ку! Фақат савдогарлик қилиб, эрларининг обрўларини туширмасинлар!

Биз эркаклар бола кўтарган аёлларга ҳамиша ҳурмат назари билан қараймиз. Уларга йўл бергимиз келади. Шундай экан, опа-сингилларимиз қопмас, бола қучоқлаб юрсинлар!

Ойбек ЗОҲИДОВ,
«Пахта-банк»нинг Булоқбоши тумани шўъбаси ходими.

ҚОП КЎТАРТИРГАН ЭРКАКЛАРГА...

«Ўзбекистон овози»даги «Қоп қучоқлаган аёллар» мақоласини ўқиб, тан олдим: бошлабди! Аслида, бу муаммони биз эркаклар кўтаришимиз ва ечишимиз зарур эди. Лекин мени қўлга қалам олишга ундаган нарса бошқа — мақолага Рустам Тошпановнинг «Аёлнинг жони қирқта», 28 сентябрь, 1995) юборган аксадоси бўлди.

Рустам ака! Балки чиндан ҳам аёлларимизнинг тадбиркорлиги бугунги кун учун зарурдир. Лекин бу ерда масала сиз ўйлагандан кўра кенгроқ ва чўпгроқдир. Ахир тинчгина ошхонасига бориб келиб юрган эркаклар ўз ҳаловатидан воз кечгилари келмай аҳли аёлларини узоқ сафарларга, узоқ шаҳарларга йўлламоқдалар. Бунинг оти тижорат эмас, оилага жароҳат, жиноятдир.

Энди фикримни «ҳужжатлаштирай». Мен ҳам хизмат юзасидан йўлда кўп юраман. Манзилга етган поездимиз тўхташи билан бир аёл «сумкача»сини узатиб юборишимни илтимос қилди. Бир қўллаб бепарволик билан кўтарай десам, зилдай оғир. «Тош-поп солиб олганмисиз?» деб сўрайман, хижолатликдан қутулиш учун.

Икки қўллаб юкларига ёпишган аёлларнинг ҳолига маймуплар йиғлайди. Кўмаклашай десак, битта қопни икки киши базўр қимирлатдик. Бу юкни ортиб берган азаматлар туширишда не бўлишини ўйлашмадимикан? Аёл: «Ичимдан бир нима узилиб кетди!» деб ўтириб қолди. Раҳмимиз келиб юкларини охиригача тушириб бердик.

Завжан ҳалолларини ўзга юртларга жўнатиб, ўзлари «оқ тулпорлар»да юрган акахонларимиз ёпа бир мулоҳаза қилиб кўрсинлар. Рафиқасини севган, уни номаҳрамлардан қизғанган эрлар уларни ҳеч қачон пул топиш галвасига аралаштирмайдилар. Ота-боболаримиз бир ва бир нечта оилани боқа олганлар-ку! Нега энди биз, битта, атиги биттагина маликаи муҳтарамаларимизнинг елкаларига рўзғор ташвишини юклашимиз керак! Шу инсофланми!

Абдураҳмон ЖЎРА,
«Ёш куч» журнали ходими.

СУВ БЕРИШНИНГ САВОБИ

Бозордан кўпинча ранжиб қайтаман. Расталар орасидаги сотувчи аёлларни ўзини ҳар кўйга солиб, кўзини, қошини учириб, молини ўтказиш мақсадида жони ҳалакларини кўрганимда вужуд-вужудимни ўртагувчи тушунчаб бўлмас бир оғриқни ҳис қиламан. Ўз молига ортиқча баҳо бераётган аёлларни онамга қиёслайман! Йўқ! Онам бу аёлларга ўхшамайди.

Қишлоқда сут, қатиқ мўл бўлади. Эсимда қолгани, онам сузма (чакки)нинг ёғини олиб, қолганидан қурт қиларди. Қўни-қўшниларимиз «Бибинурхон, ўғлимга посилка юбормоқчийдим. Тўрттагина қурт беринг!» деб келишарди. Қўйингки, онам уйимизга келган меҳмонларнинг кўлини ҳеч қачон қуруқ қайтармасдилар.

Акс - садо

Аёл кечани кеча, кундузни кундуз демай пул — мол-дунё илинжида юрса, уйидаги болаларининг ҳоли не кечади?

Баъзилар қуйиниб: «Айрим ёшларда меҳр-оқибат йўқ» дейишади. Айтингчи, сиз ўзингиз ўша мурғак қалбга керагича меҳр бера олдингизми?

Кўпинча ёшгина қизчаларнинг «муздай сув!» деб бир пиёла сувни фалон пулга сотаётганларига гувоҳ бўламиз. «Ёпиқлда ўрганган кўнгил» деганларидай пулга ўрганиб бораётган мурғак қалб улғайганда қандоқ бўларкин! Унда «сув берган савоб» деган муқаддас тушунча қаерда қолади?

Ажралишлар кўпаймоқда деб ташвишланамиз. Бунинг ҳам сабабларидан бири ўша олди-сотди эмасмикан?

Уйида ўз вақтида иссиқ овқат емайдиган ёки ивирсиб ётган ҳовлига кўзи тушган эркак уйидан совимайди, деб ким кафолат бера олади! Лекин ўша эрларга сизнинг жуфти ҳалолингиз ўзини бозорга ураётганда кўзингиз қаёқда эди демим келади. Ахир ўзбекларда: «Отингни, ичоғингни, хотинингни бировга берма» деган нақл борку! Гурури баланд, ориятли кучли бўлган ўзбекнинг куни хотини олди-сотдидан тонган пулга қолмаслиги керак.

Райҳон АШУРОВА,
Қамаши тумани, қишлоқ хўжалик билим юрти кутубхонаси мудираси.

«ДАВЛАТЛАР ВА ПОЙТАХТЛАР» ЎЙЛАНМАСИ

Жавоблар шаклда «занжир», айрим сўзлар кесишган ҳолда жойлашади.

1. Африканинг Виктория кўли соҳилидаги пойтахт. 2. Икки қитъага жойлашган мамлакат маркази. 3. Африка қитъасининг жануби-ғарбидаги давлат. 4. Оврупадаги қадимий пойтахт шаҳар. 5. Ғарбий Оврупадаги кичик давлат. 6. Жанубий Америкадаги мамлакат. 7. Марказий Осиёдаги республика пойтахти. 8. Шарқий Африкадаги мамлакат пойтахти, йирик денгиз бандаргоҳи. 9. Нил дарёси оқиб ўтувчи мамлакат. 10. Оврупанинг жанубидаги давлат маркази. 11. Жанубий-Шарқий Осиёдаги мамлакат. 12. Қуёш чиқар мамлакат. 13. Камерун пойтахти. 14. Кавказдаги республика маркази. 15. Ҳимолай тоғларида жойлашган давлат. 16. Марказий Оврупадаги князлик. 17. Марказий Осиёдаги республика пойтахти. 18. Волга буйининг шимоли-ғарбидаги республика пойтахти. 19. Осиё жанубидаги давлат пойтахти. 20. Шарқий Африкадаги мамлакат. 21. Нидерландия Қироллиги пойтахти. 22. Ҳамдустликдаги мамлакат маркази. 23. Ўзбекистонга чегарадош давлат пойтахти. 24. Ҳинди-Хитой ярим оролидаги давлат. 25. Жанубий Африкадаги давлат маркази. 26. Яқин Шарқдаги мамлакат. 27. Арабистон ярим оролидаги кичик давлат. 28. Оврупанинг шимоли-ғарбидаги мамлакат пойтахти.

Энди жавоблар асосида шаклнинг айланасида берилган рақамларни (ўнг томонидаги жавоб сўз тартибини, чап томонидагиси ҳарф тартибини англатади) ҳарфлар билан алмаштириб, топширикни ҳал этинг. Бунда Ер куррасида аҳолиси энг кўп давлат ва пойтахт шаҳар номлари аён бўлади.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.



«СПОРТ» БОШҚОТИРМАСИ ЖАВОБЛАРИ

(газетанинг 7 сентябрь сони)

Белгиланган ҳонадан соат мили бўйича: 1. Чавсон. 2. Ганиев. 3. Теннис. 4. «Ситора». 5. Штанга. 6. Каратэ. 7. Футбол. 8. Полвон. 9. Нокаут. 10. Оқпаев. 11. Очилов. 12. Аблаев. 13. Киреев. 14. Рапира. 15. «Динамо». 16. Мерган. 17. Югуриш. 18. Рўзиев. 19. Марказ. 20. Ниёзов.

«Занжир» ҳолида. 21. «Пахтакор». 22. Рисқиев. 23. Ваккер. 24. Ринг. 25. Григорян. 26. Ниқоб. 27. Бокс. 28. Самбо. 29. Олимпиада. 30. «Алпомиш». 31. Шейкин. 32. Нишон. 33. Найза. 34. Авезбоев. 35. Вазият. 36. Тўп.

Ие, йўғ-е, наҳотки?!

ЭГИЗАКЛАРНИНГ ХОТИНИ ҲАМ БИТТА

Эгизаклар ҳаёти ҳақидаги турли қизиқарли воқеаларни кўпчилик эшитган, ўқиган. Мана бу эса бутунлай бошқача ва ажойиб.

Клив ва Кит Оуэнлар бир она қорнидан талашиб тушган эгизаклар. Уларнинг ҳаётида ҳамма нарса бир хил ёки умумий бўлади. Ҳатто соат ва кўзойнаклари ҳам шундай. Эгизаклар чойни ҳам бир стаканда ичишарди. Ваннада ҳам бир пайтда чўмилишарди. Тишлари оғриса бир хил, бир пайтда оғрийди. Тишларини битта чўткада тозалашади. Соқолларини битта устарада қиришади. Энг қизиғи ва ажабланарлиси эгизакларнинг хотини ҳам бир аёл. 62 ёшли эгизаклар бир аёл билан 36 йилдан бери тинч-тотув яшаб келишяпти.

Уларни танишиши бир пайтда бўлган. Жоржия (эгизаклар хотини) деразасини таъмирлатиш учун махсус идорадан уста чақиради. Уста бўлиб Клив ва Кит келишади. Улар Жоржияни шу пайтдаёқ севиб қолишади. У ҳам эгизакларга турмушга чиқишга рози бўлади. Бу вақтда, яъни 1959 йилда қизнинг ёши 22 да, Оуэнларнинг ёши 26 да эди. Никоҳ узугини келиннинг қўлига Клив тақади. Бу Китнинг акасига ҳурмати бўлса керак.

Бу ажойиб оила бир жойда — Жоржия ўртада, эгизаклар икки томонда ухлайди. Қайсиси ўнгда, қайсиси чапда у билмайди. Жоржия уларни чақиришда ҳам тез-тез адашганини тан олади.

ШПИОН ОТ

1915 йили биринчи жаҳон уруши айни қизиган маҳалда французларни немисларнинг Фриц лақабли оти жуда қийнаб қўйди. У маълумот ташувчи шпион сифатида фронт линиясини кесиб ўтар ва қимматли маълумотларни душман томонга етказарди. Бу шпионни ҳеч ушлаб бўлмагач французлар ўз феълларига хос бир айёрликни ишлатиб топдилар. Улар Фриц ўтадиган йўлга Жужу лақабли ўйноқи бияни қўйдилар. Фриц ҳушёрликни йўқотди ва кўнгил майлини деб оғир жароҳатланди. Унинг бўйинбоғидан махфий маълумотлар топилгач, дала судининг ҳукми билан Фриц немис шпиони сифатида отиб ташлашга ҳукм қилинди.

ҲИКМАТ – БИР ҲОВУЧ ОЛТИН

• Бахт-саодат уч нарсада: саломатликда, ҳалол топилган бойликда, хотиржамликда.

• Эр кишига ороиш берадиган нарса иккита: яхшилик қилиш, шарму ҳаё.

• Уч тоифа одамнинг хизматидан ранжимаслик керак: ота-она, бемор, меҳмон хизматидан.

• Уч нарсани уч нарса билан топиб бўлмайди: бойликни орзу-ҳавас билан, ёшликни пардоз-андоз билан, соғлиқни дори-дармон билан.

• Уч нарсада ақл, илм, бахт яширинган: инсонларга ҳақиқий дўст бўлиш — ақл белгиси. Билмаган нарсани одоб билан сўраш — илм белгиси. Чиройли тадбирлар қилиш — бахт-саодат белгиси.

• Уч тоифадаги кишилар одамларнинг энг яхшисидир: қалби илмга ташна кишилар. Жисми сабр қилувчи кишилар. Борига қаноат қилувчи кишилар.

• Тўрт нарса тўрт нарсани келтиради: сукут — саломатликни, яхшилик — тинчликни, саховат — буюкликни, қаноат — зиёдаликни.

Баҳриддин ТУРҒУНОВ тайёрлаган.

Спорт

ТАЭКВОНДОЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Ўзбекистон таэквондочилари Бельгиядан қайтиб келишди. У ерда таэквондо бўйича шу мамлакатнинг учинчи очиқ чемпионати бўлди. Унда 24 мамлакатдан 500 нафардан ортиқ спортчи иштирок этди.

Чемпионатда уч карра жаҳон чемпиони голландиялик Стефан Тапилати, икки карра Европа чемпиони шотландиялик Марк Хьютен иштирок этгани бу анъанавий турнирнинг нақадар нуфузлилигини кўрсатиб турибди. Германия, Франция, Ирландия кучли спортчиларни юборганди. Россия командаси ҳам тажрибали таэквондочилардан иборат эди.

Шунга қарамай, спортчиларимизнинг ютуқлари салмоқли бўлди. Тўртта медаль қўлга киритилди. Владислав Нам олтин, Виктор Николаев кумуш, Насриддин Толипов билан Виктор Цой бронза медалига сазовор бўлишди.

БРОНЗА МЕДАЛЬ БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Севастополда ўсмирлар ўртасида денгиз кўпкураши бўйича жаҳон биринчилиги мусобақалари бўлди. Унда мамлакатимиз ёшлари команда ҳисобида совринли учинчи ўринни эгаллаб, бронза медалларини қўлга киритдилар.

Мерганлик бўйича мусобақаларда Тошкент Давлат техника университети талабаси В. Сидоров олтин медални қўлга киритди, Тошкентдаги 224-мактаб ўқувчиси А. Гнатик эса кумуш медалга сазовор бўлди.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо толқусидир!

ЎН ТЎРТ ЙИЛГА КЕТДИ...

Муродбек Қурбонов ўттиз ёш остонасида турган қирчиллама йигит, Хонқа туманидаги «Хонқа» қишлоғида туғилиб, шу ерда истиқомат қиларди. Хотини, суқсурдай уч фарзанди, дегандай.

Афсуски, у шайтон васвасасига учиб, ҳаром йўл билан осонликча бойиш пайига тушди. Жиноятга қўл урди. У 1994 йил 30 ноябрь кечаси соат 21 ларда юзига ниқоб тортиб, махсус тузатилган хавфли совуқ қуроли билан тумандаги «Хоразм» жамоа хўжалиги 11-бригадасида яшовчи Берганова Рузиканинг ҳовлисига бостириб кирди.

Қаршилик қилгудек бўлса ўзини ва фарзандларини ўлдириш билан қўрқитиб, унинг қўл-оёқларини боғлади. Сунгра тезлик билан уйдаги 7 минг сўм турадиган «Электрон» телевизорини ҳамда 2 дона гиламни — жами 10 минг сўмга яқин миқдордаги уй жиҳозларини йиғиштириб олиб, кўздан ғойиб бўлди... Ва ўз уйида қўлга тушди ҳам. Қарангки, уйидан 19 грамм гиёҳванд модда ҳам топилди. У суд ҳукми билан 14 йил озодликдан маҳрум этилди.

О. КАРИМОВ,
Хоразм вилоят прокурорининг ёрдамчиси.
Қ. МУҲАММАДРИЗО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 30

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Ҳукм этилган». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
11.00 «Маҳалламиз болалари».
12.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «АСК».
12.45 «Оҳанграбо жилолар». Кинодастур.
13.30 — 14.05 Фарғона вилояти Данғара тумани «Дилнавоз» халқ ансамблининг концерти.

***

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Қўғирчоқлар — менинг дўстларим».
18.00 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Нақшлар бўстони». Ҳужжатли фильм.
18.15 Ўзбек давлатчилиги тарихи. «Оқ ҳунлар империяси».
18.40 Футбол шарҳи.
18.55 Эълонлар.
19.00 Янгиликлар.
19.15 Эълонлар.
19.20 Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари ижодиётининг Х қурултойи олдидан. Тўхтасин Жалилов номидаги халқ чолғу оркестри ижро этади.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Уч юрак зарби». Ака-ука Исломовлар.
21.40 ЎзТВ хазинасидан. Ўлмас Умарбеков. «Ойнинг олтин ўроғи». Телеспектакль.
22.50 Эълонлар.
22.55—23.15 «Ахборот».

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси танитмаси:

18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Тафсилот».
19.10 «Интервью». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Жамшид Зокиров билан мусоҳаба.
19.30 «Халқ банки — Сизнинг хизматингизда».
20.00 «Параллель».
20.30 «Қайнона». Бадиий фильм.
21.50—22.20 «Спорт-тайм».

ЎзТВ III
ЎзТВ

17.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
18.00 «Ахборот» (рус тилида).
18.15 Эълонлар.

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20 — 21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

*

ЎзТВ

23.20 «Сайгаклар». Телефильм.
23.35 — 23.45 Янгиликлар (рус тилида).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
«ОМАД» танитмаси:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Курьер». Ахборот кўрсатуви.
21.10 Эълонлар.
21.15 Видео — «О».
23.00 — 23.05 Эълонлар.

СЕШАНБА, 31

ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Шоҳсанам». Фильм-концерт.
9.20 ЎзТВ хазинасидан. Ўлмас Умарбеков. «Ойнинг олтин ўроғи». Телеспектакль.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 Кашф этилаётган имкониятлар. «Акциядорлар».
11.30 Немис тили.
12.00 «Ёшлик» студияси. «Билимлар манбаи».
12.30 «Лаллаварлик овчи». Бадиий фильм.
13.45—15.45 «Умидлар йили». Видеоканал.

* * *

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Аҳвол қандай, чемпион?»
17.50 «Ватан остонадан бошланади».
18.20 «Ҳотира». Вадуд Маҳмуд.
18.55 Эълонлар.
19.00 Янгиликлар.
19.15 Эълонлар.
19.20 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Туркистон — умумий уйимиз».
21.35 «Эъзозлаги қушиқлар».
22.15 «Дилдаги гаплар». Абулқосим Тўйчиев.
23.15 Эълонлар.
23.20—23.40 «Ахборот».

ЎзТВ II
«ОМАД» танитмаси:

18.30 «Мультфейерверк».
18.45 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.05 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.55 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.20 «Видеогид». Янги бадиий фильмлар ҳақида.
20.40 «Теле-ателье-шоу».
20.50 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.30—23.10 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III
ЎзТВ

17.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
18.00 «Ахборот» (рус тилида).
18.15 Эълонлар.

***

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00

***

18.20 — 21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

*

ЎзТВ

23.20 «Бу ажиб дунё».
23.40 — 23.50 Янгиликлар (рус тилида).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 —19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.15 «Кино — дўстлик ришталари».
20.50 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.50 «Дидар» (қозоқ тилида).
22.30 —23.30 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи.

ЧОРШАНБА, 1

ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Шум бола». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Табиатшунослик.
11.00 Эъзоз. «Олқиш олган омондир...»
11.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология.
12.00 Бир актёр театри. Зулфия. «Ишққа маскан юрагим».
12.30 «Алифбо сабоқлари».
13.00—15.00 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.

* * *

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Новвой ва ялқов». Мультфильм.
17.40 «Умид учқунлари». Ўсмирлар учун тележурнал.
18.10 «Хазинамиз таянчи».
18.45 «Шеърий дақиқалар».
18.55 Эълонлар.
19.00 Янгиликлар.
19.15 Эълонлар.
19.20 Спорт хабарномаси.
19.30 «Олтин мерос». Бастакор Тўхтасин Жалилов қўшиқлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 М. Бафоев, Ю. Исматова. «Улуғбек буржи». «Тановар» миллий рақс ансамблининг телевизион балет-спектакли.
22.40 Эълонлар.
22.45 Футбол. Ўзбекистон кубоги. Ярим финал. «МҲСК» — «Суғдиёна».
00.15—00.35 «Ахборот».

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси танитмаси:

18.30 «Уй ҳайвонот боғи».
18.55 «Жонли тил».
19.55 «02» тўлқинида.
20.20 «Тошкент оқшомида».
21.20—22.50 «Кинематограф».

ЎзТВ III
ЎзТВ

17.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
18.00 «Ахборот» (рус тилида).
18.15 Эълонлар.

***

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00

***

18.20 — 21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

*

ЎзТВ

23.20 «Инглизча кундалик».
23.50 — 24.00 Янгиликлар (рус тилида).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 —19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
«ОМАД» танитмаси:
19.55 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».
22.55 Эълонлар.
23.00 — 23.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

ПАЙШАНБА, 2

ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Денгиз шунқорлари». Бадиий фильм.
10.35 «Ёшлик» студияси. «Талабанинг бўш вақти...».
11.20 «Бола бошидан...». Мактабгача тарбия масалалари.
11.50 Шифокор экрани. «Болаларни рационал овқатлантиришнинг аҳамияти».
12.20 М. Бафоев, Ю. Исматова. «Улуғбек буржи». «Тановар» миллий рақс ансамблининг телевизион балет-спектакли.
14.05—16.05 «Маърифат» видеоканали.

* * *

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Хутикча бўлган экан». Мультфильм.
17.40 «Унутма мени». Киноконцерт.
18.10 «Менда фикр бор». Тадбиркорлар телевизион клуби.
18.55 Эълонлар.
19.00 Янгиликлар.
19.15 Эълонлар.
19.20 «Табаррук қадамжолар». Амир Темур юбилейи олдидан.
19.50 «Юзма-юз». Олим С. Олимов билан мулоқот.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан». Ўзбекистонда хусусийлаштиришга бағишланган Женевадаги халқаро конференция иши якунларига бағишланади.
21.40 Мумтоз мусиқа кечаси.
22.25 «Олтин мерос». Халқ артисти Раҳим Пирмуҳамедов.
23.50 Эълонлар.
23.55—00.15 «Ахборот».

ЎзТВ II
«ОМАД» танитмаси:

18.30 «Омад» тақвими. Мунажжимлар башорати.
18.35 «Теле-ателье-шоу».
18.40 Видео янгиликлари.
19.05 «Оламнинг яратилиши». Оммабоп кўрсатув.
19.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.25 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.10—22.50 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III
ЎзТВ

17.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
18.00 «Ахборот» (рус тилида).
18.15 Эълонлар.

***

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00

***

18.20 — 21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

*

ЎзТВ

23.20 «Менинг қадрдон кабутарларим». Телефильм.
23.40 — 23.50 Янгиликлар (рус тилида).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 —19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Бозор иқтисодиёти сабоқлари».
20.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.25 «Вариациялар мавзу».
22.05 «Ўзбекистон — ҳамкорлик йўлидан».
22.45 — 23.45 «Опера билан учрашув».

ЖУМА, 3

ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Қалаванинг учи». Бадиий фильм.
10.10 «Ҳаракатда барака!».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.00 Немис тили.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Математика.
12.00 Янги китоблар.
12.30 «Буни ҳамма билиши керак».
13.00 Ўзбек қўйларидан концерт.
13.30—14.40 Ҳамза Имомбердиев. «Сирли ҳарфлар». Республика қўғирчоқ театрининг спектакли.

* * *

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Қандай қилиб Алдар қуса Йўлбарсни лақиллатди?». Мультфильм.
17.40 «Булоқлар кўз очганда».
17.55 «Эл тинчлиги йўлида».
18.25 «Ёндирмагил юраккинами». Хонанда Журахон Раҳимов қўйлайди.
18.55 Эълонлар.
19.00 Янгиликлар.
19.15 Эълонлар.

19.20 «Ўзбек киносининг барҳаёт саҳифалари».

*

20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 Миллионлар минбари. «Ўзликни англамоқ бахти».
21.25 ЎзТВ экранида — кинокомедия. «Омад ҳамиша келавермайди».
22.40 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Кўшон» — «Динамо».
23.25 Эълонлар.
23.30—23.50 «Ахборот».

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси танитмаси:

18.30 «Довюрак Ҳочбар ҳақида ривоят». Бадиий фильм.
20.00 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.30 «Билиб қўйган яхши».
20.55 «Шифокор билан мулоқот».
21.35 «Бизнес-академия».
22.00—22.40 «Бу бўстон аро...».

ЎзТВ III
ЎзТВ

17.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
18.00 «Ахборот» (рус тилида).
18.15 Эълонлар.

***

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00

***

18.20 — 21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

*

ЎзТВ

23.20 «Жонли сайёра».
23.50 — 24.00 Янгиликлар (рус тилида).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 —19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
«ОМАД» танитмаси:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Компьютер-Осиё» (Информатика системаси).
21.20 «Қулгига нима етсин!». Ҳажвий кўрсатув.
21.45 Эълонлар.
21.50 «Даракчи». Ахборот кўрсатуви.
22.00 Эълонлар.
22.05 — 23.45 Видео — «О».

ШАНБА, 4

ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Таня ва икки мушкетёр». Бадиий фильм.
10.20 «Салом, фестиваль!». Республика қўғирчоқ театрларининг V фестивали якунига бағишланади.
11.05 «Узингни эр билсанг...».
11.50 Жўра Маҳмуд. «Овсинлар». Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят театрининг спектакли.
13.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Қушиғим, жон қўшиғим».
14.00—14.35 «Яхшидан боғ қолади». Телефильм.

* * *

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Совга».
17.50 «Олам». Маърифий кинодастур.
18.45 Эълонлар.
18.50 «Шарқ дурдоналари».
19.10 Эълонлар.
19.15 «Ишингиз бароридан келсин!».
19.25 «Оҳанглар оғушида».
19.40 «Имкон чўққилари». Гиннеснинг рекордлар оламида.
20.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Юлдузли онлар».
21.55 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II
«ОМАД» танитмаси:

9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
9.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
10.25 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
10.50 «Видеогид».
11.10 «Теле-ателье-шоу».
11.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.00 «Кинонигоҳ».
13.40—17.40 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

*

«Тошкент» студияси танитмаси:

18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 «Коллекция».
19.40 «Пульс». Хабарлар.
19.55 «Менинг қучам».
20.10 «Кичик дебют».
20.40 «Кинематограф».
22.10 «Хар сохадан бир шингил».
22.30—23.30 «Хонадонингизда осойишталик бўлсин!».

ЎзТВ III
ЎзТВ

17.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
18.00 «Ахборот» (рус тилида).
18.15 Эълонлар.

***

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20 — 21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

*

ЎзТВ

23.20 «Қайнонзорлар оралаб». Ҳужжатли телефильм.
00.20 — 00.30 Янгиликлар (рус тилида).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 «Истиқбол эгалари». Ҳужжатли фильм.
10.30 «Аччиқ данак». Болалар учун фильм..
11.35 — 12.05 «Тадбиркорлик мактаби».

***

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Дўстлик сарҳад билмайди».
20.35 «Сўзана ва чинни буюмлар». Телефильм.
20.50 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
21.15 «Бу ажиб дунё».
21.35 «Эллада».
22.35 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.45 —23.40 «Яшайман ... Куйлайман ... Севаман ...» Борис Тохтахунов.

ЯКШАНБА, 5

ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Шоҳруҳ» клуби.
11.30 «Икки дил таронаси». Роза Одамбоева, Аъзам Мирзааҳмедов.
12.00 «Болалар меҳмонхонаси».
12.30 «Муҳаббат тилсими». Бадиий фильм.
13.50 «Актёрлар ва роллар». Азиза Бекматова.
14.30—15.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Динамо» — «Нефтчи».

* * *

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Сенимн, шошмай тур!». Мультфильм.
17.45 «Санъат ғунчалари».
18.15 «Аския». Телефильм.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ойнаи жаҳонда...».
19.20 Эълонлар.
19.25 Спорт хабарномаси.
19.35 Санъат усталари ижросида концерт.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Тимсол» видеоканали.
22.35 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Қушларга эргашган инсон». Бадиий фильм.
24.00—00.30 «Ҳафтанома».

ЎзТВ II
«ОМАД» танитмаси:

10.00 «Омад» тақвими. Мунажжимлар башорати.
10.05 «Теле-ателье-шоу».
10.15